O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№88-89 (741-742) 2023 йил 17 октябрь, сешанба
uzbunyodkor · t.me/uzbunyodkor · uzbunyodkor · info@uzbunyodkor.uz · uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ЭЛЕКТР ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДАГИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҲАМДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни Тошкент шаҳридаги янги инфратузилма иншоотлари ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари билан танишди.**

Сўнгги йилларда пойтахтимиз ҳам аҳоли, ҳам ҳудуд жиҳатидан ўсмоқда. Муҳандислик тармоқлари қуввати шунга мутаносиб тарзда ошириб борилмоқда.

Хусусан, Шайхонтоҳур туманида, “Пахтакор” стадиони яқинида янги подстанция қурилди. Лойиҳа доирасида “Тракторсоз” подстанциясидан 19 километрдан зиёд кабел тортилиб, 2 та трансформатор ўрнатилди. У келгуси ойда ишга туширилади. Бунинг натижасида пойтахтимиз марказида кафолатланган 130 мегаватт қўшимча электр энергияси ҳосил бўлади. Шаҳардаги бошқа подстанцияларга юклама камайиб, авариявий ҳолатлар эҳтимоли 60 фоизга қисқаради.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Тошкент шаҳри электр таъминоти тизимидаги қурилиш ва модернизация ишларига оид тақдимот билан танишди. Яна бешта подстанция қурилаётгани ва тўрттаси янгиланаётгани, уларда жами 850 мегаватт қўшимча қувват яратилиши қайд этилди.

Мамлакатимиздаги ўзгаришлар бош шаҳримизда, айниқса, яққол намоён. Бугунги кунда Тошкент – улкан бунёдкорлик, замонавий бизнес, илм-фан ва маданият марказига айланди. «Tashkent city»даги муҳташам бинолар шаҳар кўркига кўрк қўшди. Бу ердаги Халқаро конгресс марказида кўплаб форум ва анжуманлар бўлиб ўтган. Келгусида яна қатор нуфузли саммитлар ўтказилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, шинамлик даражаси юқори меҳмонхоналар, концерт ва опера театри барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари улардаги қурилиш жараёни билан танишди. Ушбу мажмуа юртимизда санъат ривожини янги даражага кўтариш, маданий тадбирларни юқори савияда ўтказишга хизмат қилиши қайд этилди.

Шунингдек, Президент “Tashkent city” марказида қурилиши якуний босқичда бўлган бир қатор бошқа иншоотларни ҳам кўздан кечирди.

Президент Шавкат Мирзиёев “Тошкент иссиқлик маркази” корхонасининг Шайхонтоҳур туманидаги 3-сонли иссиқлик марказини бориб кўрди.

Мазкур мажмуа 1972 йилда қурилган. Бу ердаги 5 та қозонхона умумий қиймати 400 Гкал қувватга эга. Жами 491 та кўп қаватли уй, 150 дан ортиқ ижтимоий соҳа муассасаларга иссиқлик етказиб беради.

Ўтган қишда ҳаво кескин совиб кетиши оқибатида табиий газ босими пасайиб, истеъмолчиларга иссиқлик етказиш қийин бўлган эди. Шунинг учун жорий йилда иссиқлик марказида муқобил ёқилғидан фойдаланиш имкони яратилди. Хусусан, мазут хўжалиги қурилиб, қозонларнинг иккитаси аралаш шаклда – газ ва мазутда ишлашга мослаштирилди. Барча қозонхоналар таъмирланди. Шунингдек, газ босимини таъминлаш мақсадида иншоотга 4,6 километр алоҳида қувур тортилди.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида куз-қиш мавсумида истеъмолчиларни иссиқлик билан узлуксиз таъминлаш имкони яратилди. Хусусан, тармоқ 30 даража совуқ ҳароратгача барқарор ишлайди. Бундай пайтларда захираланган мазутдан ишлатилади. Қувурлар изоляцияси мустаҳкамлангани учун иссиқлик йўқотилиши камайтирилган. Натижада аҳолига 65 даражадан кам бўлмаган иссиқлик етказиб берилади.

Худди шу тартибда 5-сонли иссиқлик маркази ҳам модернизация қилинган.

– Очиғи, узоқ йиллар давомида бу тизимга эътибор бўлмаган. Иссиқлик корхоналари эски ресурсда, эскича услубда ишлаб келган. Лекин олинган иссиқлик сарфланган харажатга нисбатан ўзини оқламади. Бундан одамлар ҳам рози бўлмади, корхоналар ҳам манфаат топмади. Ўтган йилги синовдан ва имкониятларимиздан келиб чиқиб, иссиқлик таъминотини модернизация қилаяпмиз. Энди иссиқликни сақлаш ва тежаш чораларини кўриш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида ишга туширилган когенерация иншоотини кўздан кечирди.

Маълумки, ўтган қишдаги аномал совуқда иссиқлик таъминотида узилишлар рўй берди. Чилонзор туманининг Оқтепа ва Боғзор маҳаллалари вазият мураккаб бўлган ҳудудлардан эди. Бу ерда 50 та кўп қаватли уй, 7 та ижтимоий муассаса ва ўнлаб тадбиркорлик шохобчалари бор.

Ушбу ҳолатнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун бу ерда бир вақтнинг ўзида иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарадиган когенерацион қурилмалар ишга туширилди. Улар соатига 4,6 МВт электр энергияси ҳамда 29 гигакалориядан ортиқ иссиқлик ишлаб чиқариш қувватига эга.

Туркиянинг “Iltekno” компанияси билан биргаликда амалга оширилган лойиҳага Германиядан газ-поршенлар ҳамда “Bosch” қозонлари келтириб ўрнатилди. Шунингдек, қозонхонадан истеъмолчиларгача бўлган барча иссиқлик таъминоти инфратузилмаси реконструкция қилинди. Иссиқлик магистрали алмаштирилди, ҳар бир турар жой биноси ва ижтимоий объектларда алоҳида иссиқлик тақсимлаш пунктлари ўрнатилди. Жами 13 минг метр узунликдаги иссиқлик тармоқларини янги, изоляцияли қувурларга алмаштириш ҳисобига тўлиқ ёпиқ тизимга ўтказилди ва йўқотишлардан ҳимоя қилинди.

Лойиҳанинг яна бир самарали жиҳати – иссиқлик тақсимлаш пунктлари махсус датчиклар билан жиҳозланган. Ҳаво совиб ёки исиб кетишига қараб, уй ичидаги ҳарорат мўътадил сақлаб турилади.

Мажмуа ишга туширилиши натижасида йилига 5,3 миллион метр куб табиий газ иқтисод қилинади. Атмосферага чиқадиган ифлослантирувчи моддалар 67 фоиз камаяди, оқова сув ташланмалари эса умуман бўлмайди.

Боғзор ва Оқтепа маҳаллаларидаги трансформаторлар алмаштирилди, электр узатиш тармоқлари янгидан тортилди. Бунга қўшимча, кўп қаватли уйлар тепасига қуёш панеллари ўрнатилмоқда.

Шу ерда Тошкент шаҳри ва тегишли соҳалар мутасаддилари куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича ахборот берди. Давлатимиз раҳбари энергетика, коммунал, қурилиш ва сервис компаниялари каби барча воситаларни сафарбар қилиб, таъмирлаш ишларини якунига етказиш, энергия ва иссиқлик таъминотини барқарор қилиш, бу борада халқ назоратини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари “Яшил макон” лойиҳаси доирасида кузги дарахт экиш мавсумини бошлаб берди. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Оқтепа ва Боғзор маҳаллаларига ташрифи чоғида жамоатчилик билан бирга кўчат экди.

Президентимиз ташаббуси билан дарахт экиш, яшил ҳудудларни кўпайтириш катта ҳаракатга айланмоқда. Бу мавсумда 85 миллион туп кўчат ўтқазилиши мўлжалланган. Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан ҳар бир маҳаллага 200 тадан кўчат бепул етказиб берилади. Шунингдек, 15 октябрдан барча туман ва маҳаллаларда кўчат ярмаркаси ташкил қилинади.

Маҳалла аҳолиси билан суҳбатда куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёни ҳақида сўз борди.

– Бугун келишимиздан мақсад – ўтган йилги сабоқдан натижа нима бўлганини кўриш, – деди давлатимиз раҳбари. – Бунинг учун керакли қарорлар қабул қилдик, катта маблағлар ажратдик. Хориждан технологиялар, мутахассислар олиб келдик. Соҳа ходимлари қўшимча ўқитилди, уларнинг ойликлари оширилди. Ҳозир раҳбарларга ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўп қаватли уй, мактаб, шифохоналарга кириб, иссиқликни кафолатлаш бўйича яна топшириқлар бердим. Энг муҳими, бу борада халқ назоратини йўлга қўямиз. Шу билан бирга, энергия тежамкорлик маданиятини ошириш керак. Сизга ўхшаган кўпни кўрган инсонлар, зиёлилар бунда намуна, давлатга кўмакчи бўлиши зарур.

Жамоатчилик вакиллари куз-қишга тайёргарликни, юртимиздаги ўзгаришларни эътироф этиб, ўз уйлари ва барча муассасаларда иссиқликни асрашда жонкуяр бўлишларини таъкидлашди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# ХАЛҚАРО АРХИТЕКТУРА ФЕСТИВАЛИ

## хорижий тажриба, янги ғоя ва таассуротлар

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, Муродбек ҲАЙДАРОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбирлари.

**Ўтган ҳафтанинг энг муҳим янгиликларидан бири сифатида пойтахтимизда бўлиб ўтган Тошкент архитектура фестивалини айтиш мумкин. Маълумки, бугунги кунда юртимизда янги массив ва шаҳарлар кўплаб барпо этиляпти. Булар эса, ўз навбатида, соҳа мутахассислари ўзаро тажриба алмашиши, замонавий архитектура тамойилларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллашни талаб этади. Шу маънода, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон меъморлар уюшмаси ҳамда Халқаро архитекторлар уюшмаси томонидан ўтказилган мазкур фестиваль соҳа тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.**

▶ 2-бет




**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

# МУТАХАССИСЛАР ИШТИРОКИДА ЎРГАНИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛДИ

**Ижтимоий тармоқларда Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги “Ифтихор” МФЙ ҳудудида бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида қад ростлаган 11 ва 12-сонли уйларда юзага келган ҳолатни ўрганиш ва ечим топиш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил этилди.**



Республика Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари Козим Тўлаганов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳузуридаги лойиҳа институтлари, “Qishloqqurilishloyiha”, шунингдек, “OzGASHKLITI” лойиҳа-қидирув ташкилотлари масъуллари, Тошкент вилояти ва Чирчиқ шаҳри ҳокимлиги мутасаддилари, сектор раҳбарлари, қурилиш-пудрат ташкилоти вакилларидан иборат.

Чирчиқ шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” массивида пудратчи “Янги замон бино” МЧЖ томонидан қуриб фойдаланишга топширилган ҳажмий темир-бетон панель конструкцияли турар жой биноларининг бугунги кундаги техник ҳолати ишчи гуруҳ томонидан ўрганилганда бир қатор камчиликлар аниқланди. Геологик изланишлар хулосасига кўра, ушбу бинода “Чўкувчан ва ўта чўкувчан грунтли ҳудудларда қуриладиган бино ва иншоотлар тўғрисида”ги шаҳарсозлик норма ва қоидаларининг 9-банди талабларига мувофиқ қурилиш ишлари бажарилган. Бироқ 2022 йил баҳор-куз мавсумидаги ёғингарчиликлар туфайли кўп миқдордаги ёмғир сувлари ирригация тизимларисиз мунтазам равишда бино пойдеворига сизиб кирган ва бино атрофига йиғилиб қолган. Натижада бино остининг асос қисми сувга тўйиниб, унинг вертикал сейсмик чоклари лойиҳавий ҳолатидан кўчган.

Маълум бўлишича, мазкур ҳолатни бартараф этиш бўйича “Qishloqqurilishloyiha” институти томонидан 2023 йил 14 февралда “Янги замон бино” МЧЖ бош директорига бино остига сув кетишини олдини олиш бўйича ёзма кўрсатма берилган ва геодезия ҳамда муҳандислик изланишлари олиб борилган. Уйлар пойдевори асосининг чўкиши ва унинг намланишини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаси ишлаб чиқилган ва бажариш учун топширилган бўлсада, пудратчи томонидан ҳеч қандай чора кўрилмаган. Мазкур уйлар динамикасининг салбий томонга ўзгаргани сабабли қурувчи ташкилот юзага келган масалаларни бартараф қилиш бўйича лойиҳа ечимлари ва чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишни сўраб “Qishloqqurilishloyiha” МЧЖга мурожаат қилган. Институт томонидан тегишли лойиҳавий ечимлар ишлаб чиқилган.



Тақдим этилган лойиҳавий ечимларга асосан, пудратчи томонидан зудлик билан амалга оширилиши керак бўлган ишлар белгиланди. Хусусан, ШНҚ 2.02.01-98 нинг “Бино ва иншоотлар асослари” меъёрининг 2.68-, 2.69- ва 3.13-бандлари талабларига асосан ҳар 300 ммда қатлам-қатлам грунтнинг мустаҳкамлиги 1.65т/м³га етгунга қадар шиббалаб қайта кўмиш ишларини бажариш, ШНҚ 2.01.09-97нинг “Чўкувчан ва ўта чўкувчан грунтли ҳудудларда қуриладиган бино ва иншоотлар” 9-банди талабларига мувофиқ бино периметри бўйлаб эни 2 000 мм ва таркибида нометалл арматураси бўлган, қалинлиги 100 мм бетон йўлак (отмостка) ишларини бажариш талаб этилади.

Маҳаллий ҳокимият вакиллари эса ҳудудда бажарилган ободонлаштириш ва ирригация тизимларига оид ишларни ҳудуд бош режасига асосан қайта кўриб чиқиши ва ёғингарчилик бошланишидан олдин бажариши лозим. Мазкур бинолар қурилишига масъуллар ҳамда соҳа экспертлари иштирокида ўтган йиғилишда мавжуд ҳолатни бартараф этиш юзасидан қўшимча таклифлар билдирилди. Улар орасида энг мақбуллари сараланиб, амалий чоралар кўриш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Бугунги кунда ҳам юзага келган ҳолат юзасидан ушбу кўп қаватли турар жойда ўрганиш ишлари олиб борилиб, ҳолатнинг олдини олиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кўп қаватли турар жой биноларининг фойдаланувчиларига вазият ўрганилиб, назоратга олинганлиги таъкидланди. Қолаверса, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Козим Тўлаганов топшириғига асосан, “Qishloqqurilishloyiha” МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти мутахассислари томонидан уйларнинг техник ҳолати ўрганилди. Унга кўра, 11- ва 12-турар жой биноларининг юк кўтарувчи конструкцияларида нуқсонлар, ёриқлар ва бошқа шикастланишлар кузатилмагани сабабли қониқарли ҳолатда экани аниқланди. Турар жойларнинг ертўла деворлари бетон синфи Б20 (М250), девор панеллари бетон синфи Б (М250) ва том ёпма плиталари бетон синфи Б25 (300М)ни ташкил этмоқда. Айни дамда ушбу қурилиш объектида ШНҚ 2.02.01.98 “Бино иншоотлар асослари” меъёрларининг 2.68-, 2.69- ва 3-13-бандлари талабларига асосан, ҳар 300 ммда қатлам-қатлам грунтнинг мустаҳкамлиги 1.65/м3 га етгунга қадар шиббалаб, уни қайта кўмиш ишлари бажарилмоқда. ШНҚнинг 2,01,09-97, яъни, “Чўкувчан ва ўта чўкувчан грунтли ҳудудларда қуриладиган бино ва иншоотлар” 9-банди талабларига мувофиқ, бино преметри бўйлаб эни 200 ммли, таркибида нометалл арматураси бўлган қалинлиги 100 ммли бетон йўлак яъни (отмостка) ишлари амалга оширилмоқда.

Мазкур илк босқичдаги ишларни бажариш учун пудрат ташкилотига лойиҳавий ечимлар тақдим этилди. Амалга оширилаётган лойиҳавий ечимлар пудрат ташкилоти томонидан тўлиқ бажарилгандан сўнг ушбу биноларни келажакда хавфсиз равишда эксплуатация қилиш бўйича иккинчи навбатдаги конструктив лойиҳа ечимлари ишлаб чиқилади. Юқоридаги ҳолатдан келиб чиққан ҳолда мутахассислар томонидан ҳозирда ушбу турар жой бинолари авария ҳолатида эмаслиги аниқланди.

▶ 2-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№88-89 (741-742) 2023 йил 17 октябрь

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

◀ 1-бет

# Водийдаги объектлар кўздан кечирилмоқда

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов Фарғона вилоятда бўлиб, худудларда бунёд этилаётган турар жой ва ижтимоий соҳа объектларининг сифатини ўрганди.**



Ўрганиш ишлари Бувайда туманидан бошланди. Туманда жойлашган 500 қатновли кўп тармоқли марказий поликлиника биноси 1983 йилда қурилган бўлиб, бугунги кунда маънан эскирган. Аҳолининг демографик ўсиши, қолаверса, болалар, кундузги стационар, стерилизация, физиотерапия бўлимлари, аёллар маслаҳатхонаси, лаборатория, диагностика хоналарининг етишмаслиги сабабли, тиббиёт муассасаси реконструкция дастурига киритилган. Вазир ўринбосари қурилиш ташкилоти вакилларига бажарилиши лозим бўлган кўрсатмаларни бериб, ҳар бир қурилиш ишига катта масъулият билан қараш, йўл қўйилаётган камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш учун техник, муаллифлик ва ички назорат тадбирларини янада кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Кейинги манзилда Фарғона шаҳридаги 220 ўринли вилоятнинг кўзи ожизлар ва эшитиш имконияти чекланган ўқувчиларига ихтисослашган таълим муассасаси ҳамда 180 ўринли ошхона биноларининг қуриш жараёнлари билан яқиндан танишилди. Мазкур объектнинг буюртмачиси “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ИК ҳамда бош пудратчи “ХИКМК-296” МЧЖ мутасаддиларига бажарилиши лозим бўлган бир қанча кўрсатмалар берилди.

– Сифатли ва пухта ишланган лойиҳа ижтимоий соҳа объектларининг узоқ йиллар давомида халқимизга хизмат қилишини таъминлайди, – дея таъкидлади Тоир Алиматов. – Буюртмачилар ҳам ўз навбатида, лойиҳачиларни келишилган ва аниқ мақсадли лойиҳа топшириғи билан таъминлашлари даркор. Ҳар ким ўз мажбуриятини тўлақонли адо этсагина, топширилаётган объектлар сифатидан аҳоли рози бўлади.

Ўрганиш ишлари давомида вилоят кўзи ожизлар ва эшитиш имконияти чекланган ўқувчиларга ихтисослашган таълим муассасаси қурилиш ишларида бир қатор камчиликлар аниқланди. Хусусан, объектда пол қопламаси, ички муҳандислик коммуникация тизими, ташқи фасадларни базалт қопламаси билан қоплаш ишлари сифатсиз бажарилган. Деформация, ҳарорат чоклари лойиҳа доирасида ташкил этилмаган. Шунингдек, лойиҳачи ташкилот “Роял дизайн” МЧЖ томонидан муаллифлик назорати олиб бормаган.

Шунингдек, вазир ўринбосари Андижон вилоятидаги объектлар билан ҳам танишди. Аввало, Андижон шаҳрида энг сўнгги технологиялар ва жаҳон тажрибаси асосида барпо этилаётган “Янги Андижон” шаҳарчаси кўздан кечирилди. Даставвал, шаҳарчадаги марказий ичимлик ва оқова сув иншоотларини қурилиши жараёнлари билан танишди. Марказий ҳамда ички оқова сув тармоқлари қурилиши бўйича “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК томонидан лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилган, экспертиза хулосалари олинган. Оқова сув тозалаш иншооти ҳамда марказий ва ички оқова сув тармоғи қурилиш ишларининг умумий қиймати 106,9 млрд сўмни ташкил этиб, ҳозирги кунда 83,8 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. 5304 метр узунликда муҳандислик-коммуникация тармоқлари (коллектор) ўтказилди. Ушбу муҳандислик-коммуникация тармоғи ичига 1400 метр узунликда оқова сув тармоқлари ва оқова сув тозалаш иншооти таркибидаги объектларда ҳам темир-бетон қуйма деворлар қуриб битказилди.

Ўрганиш ишлари давом этади.

# ХАЛҚАРО АРХИТЕКТУРА ФЕСТИВАЛИ

## хорижий тажриба, янги ғоя ва таассуротлар

◀ 1-бет

Унда 40 дан ортиқ юқори малакали хорижлик меъморлар, жумладан, хорижий давлатлар архитекторлар уюшмалари раислари иштирок этишди. Мазкур фестиваль қурилиш соҳасини ривожлантириш бўйича инновацион тадқиқотлар, архитектура, дизайн, шаҳарсозлик йўналишларини такомиллаштириш, бино ва иншоотларни лойиҳалашда замонавий қурилиш материаллари ҳамда конструкцияларни татбиқ қилиш борасида атрофлича фикр ва тажриба алмашиш майдони бўлди. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг энергия тежамкор биноларни лойиҳалаш, қуриш, геодезия, картография ва кадастр соҳаларини ривожлантириш, меъморчилик анъаналарини кенг қўллаган ҳолда бино ва иншоотларни барпо этиш борасидаги таклиф ва тавсиялари, шу билан биргаликда, янги замонавий, инновацион технологиялар асосидаги ишланмалари намойиш этилди.

Тадбирни Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов очиб бериб, бу каби ижодий учрашувлар ташкил қилиниши маҳаллий архитекторлар учун ҳам, қурилиш соҳаси учун ҳам муҳим аҳамият касб этишини алоҳида қайд этиб ўтди. Яқин вақт ичида бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга оид 10 та норматив ҳужжат Европа стандартлари асосида такомиллаштирилди. Шунингдек, 2017 йилдан бошлаб шаҳар ва қишлоқлар учун алоҳида-алоҳида Давлат дастурлари қабул қилинди. Ушбу дастурлар ижроси таъминланишида чет эл тажрибасини ўрганишга ҳам эътибор қаратилиб, Бош лойиҳа институтларини жалб этган ҳолда архитекторлар, қурувчилардан иборат гуруҳлар АҚШ, Бельгия, Греция, Италия, Нидерландия, Корея, Хитой, Германия, Беларусь каби давлатларда тажриба алмашиб қайтди.




Иштирокчиларнинг таассуротларини тинглаб, фестивалнинг аҳамиятини яна бир карра ҳис қилдик.

– Бу жуда ҳам юқори даражадаги фестиваль бўлди, дея оламан, – деди Халқаро архитекторлар уюшмасининг 2-ҳудуди бўйича вице-президенти Истелианна Атанассова. – Ушбу тадбирни ташкил этгани учун Ўзбекистон меъморлар уюшмаси ҳамда қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига миннатдорчилик билдираман. Чунки бу жуда муҳим тадбир ва мен буни ўз нутқимда ҳам таъкидлаб ўтдим. Ҳозирда бутун дунё архитектурага эътибор қаратяпти. Мазкур форум соҳа бўйича муҳокамалар, тажриба алмашишга эшик очди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон архитектурасида замонавий услуб билан биргаликда миллийлик ҳам уйғунлашган. Атроф-муҳит, аҳолининг яшаш тарзи ва анъаналар мужассамлашган.

– Ўзбекистон азалдан цивилизация ўчоғи ҳисобланади, – деди Қирғизистон архитекторлар уюшмаси раиси Мурадбек Бейшенбаев. – Қардош халқимизнинг бой тарихи, ота-боболаримизнинг маънавий-интеллектуал ва ижодий салоҳияти бугун мана шундай бетакрор биноларда ўз аксини топган. Энг муҳими бундай буюк тарих намуналарини сақлаб қолиш, реставрация ишларининг нозик услубларини амалиётда қўллай билиш, обидаларни авлоддан авлодга мерос қилиб қолдирилиши эътиборимизни тортди.

– Мазкур халқаро фестиваль ёқимли онларга бой бўлди, – деди Германия архитекторлар уюшмаси вакили Жозеппе Сальваторе. – Боиси, мен гўзал Тошкент шаҳрида бўлиб, унинг қай даражада ривожланганига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистон азалдан бой меъморчилик обидалари билан машҳур. Замонавий архитектура намуналари эса уни янада жозибали маконга айлантирмоқда. Бу биз учун очиқ ва қизиқарли майдон. Келажакда истиқболи баланд юртингизда муаллифлик лойиҳаларимни рўёбга чиқаришни истайман.

– Мазкур фестиваль ҳар йили турли мамлакатда ўтказилади, – деди Ўзбекистон меъморлар уюшмаси раиси Азамат Тўхтаев. – Тахминимча, келгуси йилда бу фестиваль Белорусда бўлиб ўтади. Фестиваль доирасида ташкил қилинган кўргазмада 250 та лойиҳа бор. Ушбу лойиҳалар билан танишиш, хорижлик етук архитекторлар билан суҳбатлашиб, тажриба алмашиниш маҳаллий соҳа вакилларига ҳам жуда фойдали. Шунингдек, мазкур кўргазмага талабалар ҳам келишган. Улар учун бу тадбир катта тажриба ва билим бериши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, тадбирда иштирок этган талабалар катта таассуротларга эга бўлишди. Буни тадбирдаги кичик танаффус пайтида уларнинг хорижлик архитекторлар билан мулоқотга киришиб кетганлариданоқ сезишимиз мумкин.



Бу мулоқот ва тажриба алмашиш жараёнининг мантиқий давоми сифатида тадбирнинг иккинчи куни Тошкент архитектура-қурилиш институтида талабалар билан учрашувдан бошланиши айни муддао бўлди. Дастлаб меҳмонлар университетдаги лаборатория хоналари билан танишишди. Фаоллар залида халқаро экспертлар, талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Тадбирни очиб берган институт ректори Эржан Каҳя шундай деди:

– Кўзи ёниб турган талабалар ва сиз, соҳанинг илғор вакиллари! Сизларни бир жойда, бир манзилда кўриб турганимдан мамнунман. Бу ёш архитекторларимиз учун қанчалик аҳамият касб этишини, ўзига хос илҳом манбаи бўлиб хизмат қилишини ҳис қилиб турибмиз. Ўйлаймизки, бугунги мулоқотимиз кучли архитекторлар шаклланишида катта туртки беради.

Талабалар билан учрашув якунлангач, “Янги Ўзбекистон” боғи ва тушликдан сўнг “Tashkent city” мажмуасига экскурсия уюштирилди. Меҳмонлар экскурсия давомида шаҳар инфратузилмаси, янги ўзгаришлар борасида ўз фикрларини, таклифларини билдиришди. Айниқса, “Янги Ўзбекистон” боғидаги деворга ўйиб ишланган тарихий ифодалар хорижлик меҳмонлар диққатини тортди. Ўз ҳаяжонларини яширмаган меҳмонлар Ўзбекистонга яна ташриф буюришни мақсад қилганликларини айтишди.

Тадбирнинг учинчи куни Самарқандда давом этди. Кўҳна кентнинг жозибали архитектураси ва тарихий қадамжойи хорижлик меҳмонларни ҳайратини оширди. Самарқандга ташриф доирасида хорижлик меҳмонлар муаззам шаҳарнинг юраги – Регистон майдонида ҳам бўлдилар. Марказий Осиёнинг XV-XVII асрлардаги юксак меъморчилик ғоялари абадий муҳрланган Регистон майдони ва унда қад ростлаган Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасаларининг кўрки, салобати хорижлик архитекторларда ўзгача ёрқин таассурот уйғотди. Хусусан, мадрасалар деворларидаги кошинлар ва моззаик паннолар, улкан гумбазлар, рамзий маънолар мужассам нақшинкор безаклар темурийлар даври меъморчилигининг ўзига хос услуби, колорити ҳақида сўзлаётгани таъкидланди. Маълумот ўрнида, Марказий Осиё меъморчилигининг энг ноёб намуналарини ўз ичига олган Регистон ансамбли 2001 йилда ЮНЕСКО томонидан Жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Шу билан фестиваль ўз ишини якунлади. Ўйлаймизки, ушбу ҳамкорлик ва бирдамлик руҳи биргаликда катта мақсадларга эришишимизга сабаб бўлади. Ўзбекистон эса Марказий Осиёнинг асосий тараққиёт локомотиви бўлишда давом этади.

# ФАОЛИЯТ ҚОНУНИЙ БЎЛСА, ИНШООТ ҲАМ СИФАТЛИ БАРПО ЭТИЛАДИ

**Ойбек ХИДАЕВ,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Қурилиш соҳасида лицензиялаштириш ва аккредитациялаш бўлими бошлиғи.



**Бугун юртимизда қурилиш-бунёдкорлик соҳаси қай даражада юксалаётган бўлса, уларга қўйилаётган талаб ва меъёрлар ва шунга мос равишда ошиб бормоқда. Зеро, қурилаётган ҳар бир иншоотда ўзимиз, фарзандларимиз ва яқинларимиз яшайди, ўқийди, ишлайди. Шу боис, ҳар бир иморатнинг сифатли, мустаҳкам ва ишончли тарзда тикланиши соҳа ходимларидан катта масъулият талаб қилади. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимидаги ҳар бир бошқарма ва бўлимларда ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Хусусан, Қурилиш соҳасида лицензиялаштириш ва аккредитациялаш бўлими томонидан 2021-2023 йиллар давомида кўплаб ана шундай ишлар бажарилди. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича фаолиятни лицензиялашга 2021 йилда 540 та, 2022 йилда 429 та ва жорий йилнинг 8 ойида эса 450 та рухсатнома берилган. Шунингдек, хавфи юқори бўлган объектлар ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда улардан фойдаланишга 2021 йилда 120 та, 2022 йилда 132 та ва жорий йилда 113 та, баландликда саноат альпинизми усулларида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун 2021 йилда 27 та, 2022 йилда 25 та ва жорий йилнинг 8 ойида 17 та, кўприклар ва тоннелларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва таъмирлашга 2021 йилда 60 та, 2022 йилда 58 та ва жорий йилда 39 та лицензия рухсатномаси берилган.

Бундан ташқари, қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказувчи юридик шахсларни аккредитация қилиш бўйича 2021 йилда 29 та, 2022 йилда 34 та ва жорий йилнинг 8 ойида 18 та гувоҳнома, умумий ҳисобда эса 2010 та лицензия ва 81 та аккредитация гувоҳномаси берилган.

Шу ўринда, бўлим томонидан лицензиатларга нисбатан бир қатор чоралар кўрилганини ҳам таъкидлаш лозим. Масалан, ўтган йилда уларга 58 та огоҳлантириш хати берилиб, суд орқали 1 та лицензия 6 ойгача тўхтатиб турилган. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг буйруқларига кўра, 10 кунга тўхтатилган лицензиялар сони 2022 йилда 55 та, жорий йилнинг 9 ойида эса 136 тани ташкил қилмоқда. Лицензияларни суд орқали бекор қилиш бўйича киритилган даъво аризалари ўтган йилда 3 та, жорий йилнинг 9 ойида эса 50 тадан иборат. Маъмурий жавобгарликка тортилган лицензиатлар сони эса 2022 йилда 3 та ва жорий йилнинг 9 ойида 2 тани ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, лицензиялаштириш соҳасини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Қурилиш жараёни иштирокчиларининг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, қурилиш соҳасида назорат сифатини тубдан яхшилаш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида” Қонуни лойиҳаси (ID 80125) ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (ID 61676) Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган.

Демак, ҳар қандай объектнинг шаҳарсозлик ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши нафақат қурилиш жараёнида, балки мукаммал лойиҳа яратиш ва лицензия талабларига мувофиқ иш кўришда ҳам намоён бўлади. Шу боис, қурилиш соҳасининг ҳар бир вакили ўз фаолиятини қонуний тарзда, лицензия талаб ва шартлари ҳамда ШНҚ талабларини бузмаган ҳолда олиб бориши лозим. Зеро, фаолият қонуний бўлса, иншоот ҳам сифатли барпо этилади.

**ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**
**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ОГОҲЛАНТИРАДИ!**

*Лицензия талаб ва шартлари ҳамда ШНҚ талабларини бузиш сизнинг нафақат келгусидаги фаолиятингиз, балки ташкилотингиз имиджига ҳам салбий таъсир кўрсатиши ва лицензиянгиз бекор бўлишига сабаб бўлиши мумкин.*

*Азиз юртдошлар! Шу каби қоидабузарликларга дуч келсангиз, **12-98** ишонч телефон рақамига мурожаат қилинг. Зеро, бино ва иншоотлар сифати ҳаммамиз учун муҳим!*

# Ҳаво ифлосланишининг асосий омиллари тушунтирилди

**Муродбек ҲАЙДАРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Сўнгги йилларда об-ҳаво ифлосланишига сабабчи омиллар сирасига ҳаддан ташқари кўп амалга оширилаётган қурилиш ишларини ҳам киритиш мумкин. Бу ҳақда “Об-ҳаво ўзгариши, ифлосланиши ҳамда аҳоли ва ҳудудларни табиий гидрометеорологик хавфли ҳодисалардан огоҳлантириш” мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълум қилинди.**

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги биносида ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза килиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги бошқарма бошлиқлари иштирок этишди. Унда агентлик мутахассислари “Глобал об-ҳаво ўзгариши ва унинг оқибатлари” ҳамда “Аҳоли ва ҳудудларни табиий гидрометеорологик хавфли ҳодисалардан огоҳлантириш” мавзулари юзасидан батафсил маълумот беришди. Шунингдек, юқоридаги мавзулар бўйича журналистларнинг саволларига жавоб беришди.

– Шаҳар ҳавосининг умумий ифлосланишига сабаб бўлувчи омиллардан бири қурилиш ишлари ҳам ҳисобланади, – деди Гидрометеорология хизмати агентлиги директор ўринбосари Фируз Сафаров. – Лекин бу ягона омил эмас. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 1 миллионга яқин автотранспорт воситаси ҳаракатланади. Шуни инобатга олиб қарайдиган бўлсак, ҳавонинг ифлосланишига энг катта сабаблардан бири – автотранспорт воситаларидан чиқаётган заҳарли газлардир.

Маълумот учун, сўнгги йилларда ердаги об-ҳаво сезиларли даражада ўзгарган. Баъзи мамлакатлар ғайритабиий иссиқликдан, бошқалари эса жуда қаттиқ ва қорли қишлардан азият чекмокда. Матбуот анжуманида “Глобал об-ҳаво ўзгариши ва унинг оқибатлари” бўйича об-ҳаво мониторинги маълумотлари ҳам тақдим этилди. Унга кўра, республикада ўртача йиллик ҳарорат тахминан қанчага кўтарилгани, мамлакатимизда ҳаво ҳарорати юқори кунлар сони ортгани ҳамда қуруқ даврлар давомийлиги узайганлиги, умуман олганда, Марказий Осиё минтақасида 2030-2050 йилларда ҳаво ҳарорати яна неча даражага кўтарилиши тахмин килинаётганлиги ҳақида маълумот берилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши об-ҳаво ўзгаришининг ягона кўрсаткичи эмас. Глобал исиш, биринчи навбатда, турли хил об-ҳаво аномалияларининг кўпайишига олиб келади. Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистон ҳудуди бўйича глобал исиш натижасида табиий офатлар сони кўпайди. Ерлар деградацияси, чанг ва бўронлар сонининг ортиши, шу билан бирга, атроф табиий муҳитининг ифлосланиши кузатилмокда. Сўнгги вақтларда “Ўзгидромет”га қилинаётган мурожаатларнинг аксарияти ҳам атроф табиий муҳитнинг сезиларли даражада ифлосланишига олиб келаётгани хусусида бўлмокда.

# АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ КЕЧМОҚДА?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"Oʻzbekiston bunyodkori" мухбири.

**Юртимизда қурилиш ишлари ҳажми, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, барпо этилаётган иншоотлар ҳамда бунёдкорлик йўналишида фаолият олиб бораётган корхоналар сони йил сайин ўсмоқда. Маълумотларга кўра, шу йилнинг тўққиз ойида 24 185 та хонадонли 602 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилган.**





Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 апрелдаги "2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-51-сонли Фармонига биноан жорий йилда 90 мингта кўп хонадонли уй-жойлар қурилиши белгиланган. Шундан, 38 та "Янги Ўзбекистон" массивида 30 мингта, уй-жой сотиб олиш учун 10,7 трлн сўмлик ресурслар ҳисобига 44,7 минг ипотека кредитлари ҳамда 30 мингта (республика бюджети 15 минг, маҳаллий 15 минг) субсидиялар ажратилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2023 йил 9 июндаги 108-сонли баёнига мувофиқ, уй-жойларга талаб юқори бўлган 378 та бошқа массивларда 60 мингта хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилиши белгиланган. Давлат раҳбари ва Ҳукумат топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича республикада 90 923 та хонадонли 2 012 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясининг маълумотига кўра, жорий йилнинг 9 ойи якуни билан 24 185 та хонадонли 602 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилган. Бунда ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 160 фоизга ошган ёки 9 085 та хонадондан иборат бўлган 152 та уй-жой кўпроқ қурилган. Маълумот учун, 2022 йилнинг 9 ойи якуни билан 15 100 та хонадондан иборат бўлган 450 та кўп қаватли уй-жойлар фойдаланишга топширилган.

– Уйлар қурилишининг кўпайишини ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, катта улуш Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона ва Навоий вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда, – деди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Акбаржон Ниғматов. – Таҳлилларга асосан, қурилаётган кўп қаватли уй-жойларнинг қаватлар сони ҳам ошиб бормоқда. Масалан, ўтган йилда қурилган уйларнинг ўртача қавати 5 қаватни ташкил қилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 7 қаватга тўғри келаётганини кўриш мумкин. Шу билан бирга, Кадастр агентлигининг маълумотига асосан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бирламчи бозордаги (дастурлар ва ундан ташқари) сотилган хонадонлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 162 фоизга ўсган. Маълумот учун, 2023 йилнинг 9 ойи якуни билан 2,0 млн кв метрдан иборат бўлган 27 377 та хонадонли 746 та уй-жойларга, 2022 йилнинг мос даврида 1,2 млн кв метрдан иборат бўлган 16 938 та хонадонли 495 та уй-жойларга кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган.

Жорий йилнинг 26 сентябрь ҳолатига тасдиқланган дастур доирасида ҳам бир қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини кўриш мумкин. Хусусан, 24 185 та хонадон (602 та уй) қурилиши тўлиқ тугалланиб, фойдаланишга топширилди. Фойдаланишга топширилган кўп қаватли уй-жойларнинг асосий қисми Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. 55 283 та хонадоннинг (1 166 та уй) қурилиш ишлари ҳажми республика бўйича ўртача 68 фоизга бажарилган.

"Янги Ўзбекистон" массивларидаги бунёдкорлик ишларига тўлиқроқ тўхталадиган бўлсак, уларда 30 639 та хонадонли 837 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши белгиланган бўлиб, ҳозирга қадар 6 110 та хонадон фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ушбу массивларда умумий қиймати 650,5 млрд сўмлик 57 та ижтимоий соҳа объектларини қуриш режалаштирилган. Хусусан, умумий қиймати 242,5 млрд сўмлик 24 та мактабгача таълим ташкилоти барпо этилиши натижасида 6 420 та болани МТТга қамраб олиш кўзда тутилган. Сентябрь ойи ҳолатига кўра, бажарилган қурилиш ишлари режага нисбатан 99 фоизини ташкил этмоқда. Бундан ташқари, умумий қиймати 341,0 млрд сўмлик 18 та умумтаълим мактаби қурилиши натижасида 13 230 та ўқув ўрни яратиш мўлжалланган. Бугунга қадар мактаблар қурилиши ишлари режага нисбатан 93 фоизга амалга оширилган. Қиймати 67,0 млрд сўмлик 15 та тиббиёт муассасаси (поликлиникалар) қурилиши натижасида қўшимча 1 500 та қатнов қуввати яратиш кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда объектларда қурилиш ишлари режага нисбатан 92 фоизга бажарилган. Барча ижтимоий соҳа объектлари ноябрь ойида фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

Ўз навбатида, катта бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган қурувчиларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, фармонга мувофиқ, "Янги Ўзбекистон" массивларида кўп қаватли уй-жойларни қуриш учун пудрат ташкилотларига кредит маблағлар ажратиш мақсадида тижорат банкларига республика бюджетидан 500 млрд сўм ресурс ажратиш белгиланган. Ҳозирги кунда, Марказий банкнинг тақсимотига биноан 133 млрд сўм маблағ тижорат банкларига йўналтирилди. Бунда, маблағлар тижорат банклари томонидан қурилиш ташкилотларига 1 йиллик имтиёзли давр билан 18 ойга ажратиб берилади. Кредитнинг йиллик фоизи 14 фоиз этиб белгиланади. Шунингдек, қолган 367 млрд сўм ресурс маблағлар тижорат банкларининг талабномаларига биноан ажратиб борилади.

Яна бир муҳим жиҳат, уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда 60 284 та хонадонли 1 175 та кўп қаватли уй-жой қурилиши белгиланганидан хабарингиз бор. 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида фойдаланишга топшириш режа-графиги бўйича 16 300 та хонадон қурилишини тўлиқ якунлаш белгиланган бўлса, амалда 18 075 та (1 775 та қўшимча) фойдаланишга топширилган ва белгиланган режа 111 фоизга бажарилди. Шунингдек, 37 226 та хонадоннинг (685 та уй) қурилиш ишлари ҳажми республика бўйича ўртача 74 фоизга бажарилган бўлиб, улар ҳам йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

– Бу борада ипотека кредитлари ажратиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти, – Акбаржон Ниғматов. – Хусусан, 2023 йилда аҳолига ипотека кредитлари ажратиш учун давлат бюджетидан тижорат банкларига 7,4 трлн сўм миқдорида ресурслар жойлаштириш белгиланган. Бугунги кунда 5,9 трлн сўмлик ресурслар (режага нисбатан 79 фоиз) тижорат банкларига жойлаштирилган. Қолган маблағлар йил якунига қадар талабдан келиб чиққан ҳолда молиялаштириб берилади. Тижорат банклари томонидан 2023 йилда жами 36 минг 713 нафар фуқарога 9,4 трлн сўмлик ипотека кредити ажратилган. Шундан, бирламчи бозор учун 25 минг 746 та фуқарога 6,5 трлн сўм, иккиламчи бозор учун 10 минг 967 та фуқарога 2,9 трлн сўм ажратилган. Ипотека кредитларининг манбалари кесимида қаралганда, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 24 минг 567 та фуқарога 6,2 трлн сўм, яъни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10 фоизга кўп, тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан 7 минг 259 та фуқарога 2,1 трлн сўм, "Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" ҳисобидан 4 минг 887 та фуқарога 1,1 трлн сўм йўналтирилган.

Мутахассиснинг таъкидлашича, 2023 йилда ипотека кредитлари бўйича 30 минг нафар фуқарога 1,6 трлн сўм субсидия тўлаб берилиши белгиланган. Шундан, 15 мингтаси республика бюджетдан, 15 мингтаси маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари ҳисобидан ажратиб берилади. 2023 йилнинг май-сентябрь ойларида субсидия бўйича 29 минг 485 та аризага ижобий хулоса тақдим этилган. Бугунги кунгача, ипотека кредитлари бўйича 10 минг 537 нафар фуқарога 337 млрд сўмлик субсидия маблағлари тўлаб берилди. Шунингдек, 2020-2022 йиллардан ўтиб келаётган фоиз тўловларини бир қисмини қоплаш учун 39 мингдан зиёд фуқарога 419 млрд сўм субсидия тўлаб берилган.

Маълумот учун: юқоридагилардан ташқари, фуқароларга субсидия ажратиш бўйича аввал тақдим этилган бироқ белгиланган муддатда фойдаланилмаган субсидия лимитлари 2023 йилнинг 3 октябридан жараёнга қайтарилди ва субсидия учун аризалар қабул қилишнинг иккинчи босқичига старт берилганини эслатиб ўтамиз.

# "Янги Ўзбекистон" массивидаги янги мактаб фойдаланишга топширилди

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,** "Oʻzbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасининг қатор туманларида янги турар жой ва ижтимоий объектларни ўзида жамлаган "Янги Ўзбекистон" массивлари барпо этилмоқда.**



Хусусан, Қораўзак туманидаги шундай массивларда 2022-2024 йилларда 5 қаватдан иборат, 654 квартирали 22 та кўп қаватли турар жойлар қуриш режалаштирилган. Шундан, "Есим" ОФЙдаги 10 гектар ер майдонида 168 хонадонли 6 та турар жой, 330 ўринга мўлжалланган 1 та мактаб, 180 ўринли мактабгача таълим ташкилотини қуриш назарда тутилган. Бугунги кунда фойдаланишга топширилган янги турар жойларда 50 дан зиёд оила истиқомат қилмоқда.

Яқинда ушбу маҳалла ҳудудида қад ростлаган 330 ўринга мўлжалланган 2-сонли умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди. Янги мактаб қурилиши учун 16,6 млрд сўм маблағ ажратилиб, лойиҳа "Тўрткўл агротемирйўл таъмир" МЧЖ қурувчилари томонидан сифатли тарзда амалга оширилди.

– Маҳалламиз қиёфаси кун сайин ўзгармоқда, – деди "Есим" ОФЙ раиси Хожабай Толегенов. – Мактабнинг фойдаланишга топширилиши нафақат биз, балки шу атрофдаги барча аҳоли учун катта совға бўлди. Узоқроқдаги мактабларга қатнайдиганлар шу мактабга жойлаштирилмоқда. Яқин кунларда 180 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим муассасаси ҳам топширилиши кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, массивда қурилиш-бунёдкорлик ишлари авжида. Янги йилгача бу ерда яна кўплаб объектлар фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда.

# МЕҲР-ОҚИБАТ ВА КЎМАКДАН ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** "Oʻzbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бағрикенглик, бир-бирига меҳр кўрсатиш ва бошга ташвиш тушганда қўллаб-қувватлаш халқимизга хос азалий одатлардан ҳисобланади. Ана шундай яқинлик ва жипслик яқинда яна бир бор барчамизни синовдан ўтказди. Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги "Қурувчилар" даҳасида жойлашган омборда юз берган фавқулодда вазият эрта тонгдан барчани оёққа турғазди.**






Ёнғин туфайли зарар кўрган ҳудуд, кўп қаватли бинолар ва уларнинг атрофи, вазирликлар, корхона ҳамда турли ташкилотлардан ёрдамга келганлар билан тўлди. Ҳар бир вазирлик шу жойнинг ўзида штаб ташкил қилиб, ишчи гуруҳи бошчилигида кечаю кундуз зарар кўрган жойларни қайта тиклаш ва ободонлаштиришга киришди. Натижада қисқа муддатда маҳалла ҳудуди қайтадан кўркам тусга кирди.

– 9-"а" рақамли кўп қаватли уйимиз айни шу омборнинг рўпарасида жойлашгани учун эшик-ромлар, ойналарни чилпарчин қилиб, деворлардаги гулқоғозларга, кўрпа-тўшакларга жиддий зарар етказди, – деди шу ҳуддудда яшовчи Исмоил Саипов. – Саросимага тушиб қолгандим ва нималар бўлаётганига ақлим етмасди. Орадан қанча вақт ўтганини билмадим, аммо тонг ёришаётган маҳал ёрдамга шай инсонлар етиб келишди. Бу жараёнда биринчилар қаторида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ходимларининг кўмакка шошилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Уйимизга вазирликнинг бир неча вакиллари келиб, зарар етган барча жойларни бирма-бир ўлчаб, назоратдан ўтказишди ва куннинг иккинчи ярмига етмасдан эшик-ромларимиз, деворлардаги гулқоғозларни янгилаб беришди. Очиғини айтганда, оғир дамда бу каби меҳр-оқибатдан кўнглимиз тоғдай кўтарилди.

Отахоннинг айтганича бор, вазирлик ишчи гуруҳи ҳудуд ва кўп қаватли уйлардаги зарар кўрган хонадонларда тезкорлик билан таъмирлаш-тузатиш ишларини олиб боришди. Айниқса, масъуллар, қурилиш-лойиҳа институтларининг тажрибали экспертларидан иборат гуруҳнинг нафақат зарар кўрган уйларни таъмирлаши, балки шу даҳада жойлашган барча кўп қаватли уйлардаги хонадонларга бирма-бир кириб, иншоотларнинг техник ҳолатини ҳам мукаммал ўрганиб чиқишгани эътиборга сазовордир.

Шунингдек, вазирликнинг бошқа кўплаб ташкилотлари қаторида Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган 284 та бошқарув сервис компанияси ходимлари томонидан ҳудудда шу кунларда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни алоҳида таъкидлаш ўринлидир. БСК ишчи-ходимлари ҳар бир хонадондаги газ, электр ва сув ҳамда оқова сув тизимлари, ертўладаги ҳолатларни қайтадан назоратдан ўтказиб, зарар кўрганларини янгисига алмаштиришмоқда.

Сергели тумани ҳокимлиги таркибидаги ташкилий ишлар ва кадрлар гуруҳи раҳбари Шодиёр Тошпўлатовнинг айтишича, туман ҳудудида аҳолига хизмат кўрсатиб келаётган 15 та бошқарув сервис компанияси кўнгилсиз ҳодисадан жабр кўрганларни қўллаб-қувватлаш ишларида фаоллик билан қатнашмоқда. Айни кунларда уларнинг ёрдами билан маҳалладаги барча ички кўчалар тозаланиб, ободонлаштирилмоқда. Кўп қаватли уйлар атрофида болалар ва катталар шуғулланиши учун ўндан ортиқ спорт майдонлари қурилди. Шунингдек, уйлар атрофида яшил макон яратилмоқда. Булардан ташқари, ўн мингдан ортиқ турли хилдаги дарахт кўчатлари, буталар ҳам экилиб, парваришига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, кўнгилсиз воқеа туфайли содир бўлган барча ҳолатлар қайта тикланиб, бу ерда истиқомат қилаётган фуқароларга етарлича шароит яратиб берилаётганини кўриб, "бор бўл оқибат", дегинг келади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№88-89 (741-742) 2023 йил 17 октябрь

ОХИРИ. БОШИ ГАЗЕТАНИНГ 2023 ЙИЛ 10 ОКТЯБРДАГИ 87 (740)-СОНИДА

**Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2022 йил 24 августдаги 148-сон буйруғига ИЛОВА**

# ШНҚ 2.08.07-22 "НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАР УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИНОЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ" ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**ШНҚ 2.08.07-22 "Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш" шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига 3-ИЛОВА**

## КЎП ТАРМОҚЛИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТИПЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СИҒИМИ

| Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг типлари | Гуруҳдаги ўринлар сони | Гуруҳлар сони | Сиғими |
|---|---|---|---|
| Кўришда нуқсони бўлган болалар учун | 12 | 6-10 | 72-120 |
| Ғилайлик ва амблиопияси бўлган болалар учун | 15 | 4-8 | 60-120 |
| Эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун | 12 | 6-10 | 72-120 |
| Таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган, шунингдек БЦФ бўлган болалар учун | 12 | 6-10 | 72-120 |
| Интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун | 12 | 6-10 | 72-120 |
| **Изоҳ:** *Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг типлари ва сиғими лойиҳалаштириш топшириғида аниқлаштирилади.* | | | |

**ШНҚ 2.08.07-22 "Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш" шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига 4-ИЛОВА**

## ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ (МАКТАБЛАР, МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР) СИҒИМИ ВА КОМПЛЕКТАЦИЯСИ

| Муассасаларининг ихтисослиги | Сиғими | Шу жумладан | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Мактабгача тайёрлаш | I-IV синфлар | V-IX синфлар | X-XI синфлар |
| Кўришда нуқсони бўлган болалар учун 11 синфлик мактаб-интернат (тайёрлов синфи билан) | 144 | 12 | 48 | 60 | 24 |
| Шунинг ўзи, икки потокка – 22 синфлик (иккита тайёрлов синфи билан) | 288 | 24 | 96 | 120 | 48 |
| Кар ва нутқида нуқсони бўлган, эшитиш қобилияти заиф болалар учун 11 синфлик мактаб-интернат (тайёрлов синфи билан) | 144 | 12 | 48 | 60 | 24 |
| Шунинг ўзи, 22 синфлик (иккита тайёрлов синфлари билан) | 288 | 24 | 96 | 120 | 48 |
| Таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун 12 синфлик мактаб-интернат | 144 | 12 | 48 | 60 | 24 |
| Шунинг ўзи, 24 синфлик (иккита тайёрлов синфлари билан) | 288 | 24 | 96 | 120 | 48 |
| Ақли заиф болалар (олигофренлар) учун 9 синфлик мактаб-интернат | 144 | - | 64 | 80 | - |
| Шунинг ўзи, икки потокка – 18 синфлик | 288 | - | 128 | 160 | - |
| **Изоҳ:** *Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг (мактаблар, мактаб-интернатлар) сиғими ва комплектацияси лойиҳалаштириш топшириғида аниқлаштирилади.* | | | | | |

**ШНҚ 2.08.07-22 "Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш" шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига 5-ИЛОВА**

## КЎП ТАРМОҚЛИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТИББИЙ ХОНАЛАР ТАРКИБИ ВА МАЙДОНЛАРИ (72-120 ЎРИН ҲИСОБИДАН)

| Хоналар | Майдон, m², нуқсонлари бўлган болалар учун ташкилотларда | | | |
|---|---|---|---|---|
| | эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун | кўришда нуқсони бўлган болалар учун | таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун | интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун |
| Тиббий хона (муолажа хонаси) | 13-14 | 13-14 | – | 13-14 |
| Изолятор (иккита палатага, санитария узели, ҳамшира пости билан ) | 16-18 | 16-18 | 18-20 | 16-18 |
| Физиотерапия хонаси (муолажа хонаси) | 14 | 14 | 14 | 14 |
| Педиатор шифокори хонаси | 12 | 14 | 14 | 12-14 |
| Логопедия хонаси | 12 | – | 12 | 14 |
| Маслаҳатчи шифокор хонаси | – | – | 14 дан 2 та | – |
| Окулист хонаси, қоронғи хона билан | – | 30-38 | – | – |
| Сув ости массажи, сувда ҳаракат функцияларини ривожлантириш учун хона (кийиниш хоналари билан) | – | – | 36-40 | – |
| Ёрдамчи хонага эга иссиқлик ва электр билан даволаш хонаси | – | – | 14 | – |
| Протезлаш хонаси | – | – | 14 | – |

**ШНҚ 2.08.07-22 "Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш" шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига 6-ИЛОВА**

## КЎП ТАРМОҚЛИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА МАЪМУРИЙ, ХЎЖАЛИК ВА ОШХОНАЛАРНИНГ ТАРКИБИ ВА МАЙДОНЛАРИ (72-120 ЎРИН ҲИСОБИДАН)

| Хоналар | Майдон, m², нуқсонлари бўлган болаларга мўлжалланган ташкилотларда | | | |
|---|---|---|---|---|
| | эшитиш ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун | кўришда нуқсони бўлган болалар учун | таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун | интеллектуал ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун |
| Мудир хонаси | 12-14 | 12-14 | 12-14 | 12-14 |
| Услубий кабинет ва педагоглар хонаси | 18-24 | 22-26 | 22-26 | 18-24 |
| Ота-оналар учун қабулхона | 20 | 20-25 | 20-25 | 20 |
| Хўжалик бўлими мудири ва бухгалтерия хонаси | 16 | 16 | 16 | 16 |
| Ходимлар хонаси | 10 | 10 | 10 | 10 |
| Ходимлар гардероб хонаси, душхонаси ва санитария узели | 10 | 10 | 10 | 10 |
| Болалар учун ювиниш ва сув муолажаларини ўтказишга мўлжалланган ванна хонаси (кийиниш хонаси билан) | 16-20 | 20 | 24-40 | 16-20 |
| Болалар учун сув муолажаларидан кейин дам олиш хонаси | 14 | 14 | 14-16 | 14 |
| Ошхона овқат тарқатиш ва идиш ювиш хонаси билан | 30-40 | 30-40 | 30-40 | 30-40 |
| Ошхонанинг омборхоналари (2 та хона) | 12 | 12 | 12 | 12 |
| Кирхона (тоза чойшабни сақлаш ) | 8-10 | 10-12 | 12-14 | 10-14 |
| Кир ювиш-ажратиш хонаси | 16 | 20 | 20 | 16 |
| Қуритиш-дазмоллаш хонаси | 12 | 14 | 14 | 12 |
| Асбоб-анжом, ускуна омборхоналари (умумий майдон) | 15-20 | 18-20 | 18-20 | 15-20 |
| Жиҳозларни таъмирлаш устахонаси | 15 | 15 | 15 | 15 |

**ШНҚ 2.08.07-22 "Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш" шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига 7-ИЛОВА**

## ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ (МАКТАБЛАР, МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР) ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎҚУВ УСТАХОНАЛАРИ ИНДИКАТИВ РЎЙХАТИ

| Номланиши | Кўришда нуқсони бўлган болалар учун | Эшитиши ва нутқида нуқсонлари бўлган болалар учун | Таянч-ҳаракат аппаратида бузилишлар бўлган болалар учун | Интеллектуал ривожла-нишида нуқсонлари бўлган болалар учун |
|---|---|---|---|---|
| 1. Ёғочга ишлов бериш устахонаси | + | + | + | + |
| | Махсус дастгоҳлар ва мосламалар | Мактаб устахоналари учун жиҳозларнинг намунавий тўпламлари | | |
| 2. Металл ва пластмассага ишлов бериш устахонаси | + | + | + | + |
| | Махсус дастгоҳлар ва мосламалар | Намунавий ускуна | | |
| 3. Механик, механика йиғув устахонаси | + | + | + | + |
| | Махсус дастгоҳлар ва мосламалар | Намунавий ускуна | | |
| 4. Картонаж-муқовалаш устахонаси | + | + | + | + |
| | Махсус дастгоҳлар ва мосламалар | Намунавий ускуна | | |
| 5. Электр-радиотехника устахонаси | + | + | + | + |
| | Махсус ускуна | Намунавий ускуна | | |
| 6. Пойабзал устахонаси | – | + | + | + |
| 7. Пазандачилик устахонаси | + | + | + | + |
| 8. Тикув устахонаси | – | + | + | + |
| 9. Қ/х ускунасини таъмирлаш устахонаси | | Маҳаллий шароитлар бўйича | | |
| 10. Автотаъмирлаш устахонаси | | Маҳаллий шароитлар бўйича | | |
| *"+" белгиси – мактаб-интернат таркибида устахона мавжудлигини, "–" белгиси йўқлигини англатади.* | | | | |

**ШНҚ 2.08.07-22 "Ногиронлиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари биноларини лойиҳалаш" шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига 8-ИЛОВА**

## ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ (МАКТАБЛАР, МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР) ХОНАЛАРИНИНГ ТАРКИБИ ВА МАЙДОНЛАРИ

| Хоналар | Майдон, м² | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 11 йиллик | | | 9 йиллик |
| | 12 та синф, 144 ўринли (тайёрлов синфи билан – 12 та бола) | | 24 та синф, 288 ўринли (иккита тайёрлов синфлари билан – 24 та бола): | 18 та синф, 288 ўринли |
| | Кўришда ва нутқида нуқсони бўлган болалар учун | БЦФ ва таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун | | интеллектуал ривожла-нишида нуқсонлари бўлган болалар учун |
| **1. Мактабгача тайёрлаш гуруҳлари учун ўқув ва турар жой секциялари** | | | | |
| | 12 кишилик синф | 12 кишилик синф | 12 кишидан иккита синф | |
| Вестибюль кийиниш хонаси билан | 15-18 (19)* | 18 | 38 / 19x2 | – |
| Ухлаш хоналари (ўғил ва қиз болалар учун) | 42 / 21x2 | 48 / 24x2 | 96 / 24x4 | |
| Синф - гуруҳ | 36-40 (42) | 40-42 | 80-84 / 40x2 | - |
| Ўйин хонаси - ошхона | 36 (42)* | 42-45 | 42-45 | - |
| Буфет | 6 | 6 | 6 | |
| Ҳожатхоналар ва ювиниш хоналари (ўғил ва қиз болалар учун) | 24-26* 12 (13)x2 | 26 / 13x2 | 52 / 13x4 | - |
| | Санитария асбобларни жойлаштиришни ҳисобга олиб аниқланади | | | |
| Душхона ванна билан (кийиниш учун жойлар билан) | 15 | 15 | 15 | - |
| Навбатчи тарбиячи хонаси (санитария узели билан) | 12 / (8+4) | 12 / (8+4) | 12 / (8+4) | - |
| Болалар шахсий буюмларини сақлаш хонаси | 6-8 | 6-8 | 12-16 / 2 | - |
| Инвентарь учун хона | 5 | 5 | 6 | - |
| Ойналанган веранда | Лойиҳалаштиришга топшириқ бўйича | | | |
| **2. Кичик ёшдаги (I-IV синф) болалар учун ўқув ва турар-жой секциялари** | | | | |
| | 4 синф<br>48 киши | 4 синф<br>48 киши | 8 синф<br>96 киши | 8 синф<br>128 киши |
| Синф хоналари | 160 / 40x4 | 160 / 40x4 | 160 / 40x4 | 160 / 40x4 |
| Қўл меҳнати устахонаси | 40 (50)* | 40 | 80 / (40x2) | 80 / (40x2) |
| | тўртта синфга битта хона | | | |
| Ўйин хоналари (дам олиш хоналари) | 60 (72)*<br>30 (36)* x 2 | 80 / 40x2 | 160 / 40x4 | 120 / 30x4 |
| Индивидуал машғулотлар хонаси | 12 (16)* | 16x2 | 16x4 | – |
| Ухлаш учун хоналар (4,0-4,5 м2/киши) | 192 (216)* | 216 | 432 | 512 |
| Ҳожатхоналар ва ювиниш хоналари, душхоналар (ўғил ва қиз болалар учун) | Санитария асбобларининг жойлашишини ҳисобга олиб майдонларни қабул қилиш | | | |
| | 45 | 50 | 100 | 120 |
| Ҳожатхоналар ва ювиниш хоналари, душхоналар (ўғил ва қиз болалар учун) | Санитария асбобларининг жойлашишини ҳисобга олиб майдонларни қабул қилиш | | | |
| | 45 | 50 | 100 | 120 |
| Вестибюль гардероб билан (0,75–0,8 м2/киши) | 36 (40)*<br>18 (20)*x2 | 40 / 20x2 | 80 / 20x4 | 96 / 24x4 |
| Маиший хона (кийимни тозалаш, кир ювиш, дазмоллаш) | 30 / 15x2 | 40 / 20x2 | 80 / 20x4 | 60 / 15x4 |
| Болалар шахсий буюмлари ва кийими омборхонаси | 16 / 8x2 | 16 / 8x2 | 32 / 8x4 | 32 / 8x4 |
| Навбатчи тарбиячи хонаси (8 м²+4 м²) | 24 / 12x2 | 24 / 12x2 | 48 / 12x4 | 48 / 12x4 |
| Инвентарь учун хона | 10 / 5x2 | 10 / 5x2 | 20 / 5x4 | 20 / 5x4 |
| Очиқ ҳавода машғулотлар учун веранда (камида 30 м²) | Лойиҳалаштириш топшириғи бўйича | | | |
| **3. Катта ёшдаги (V-XI синф) болалар учун турар жой секциялари;** | | | | |
| Вестибюль устки кийим гардероби билан (0,75 м²/киши) | 7 синф<br>84 киши | 7 синф<br>84 киши | 14 синф<br>168 киши | 10 синф<br>160 киши |
| | 63 (65)<br>(учта хона) | 65<br>(учта хона) | 126-130<br>(бешта хона) | 120<br>(бешта хона) |
| Вестибюль устки кийим гардероби билан (0,75 м²/киши) | 7 синф<br>84 киши | 7 синф<br>84 киши | 14 синф<br>168 киши | 10 синф<br>160 киши |
| | 63 (65)<br>(учта хона) | 65<br>(учта хона) | 126-130<br>(бешта хона) | 120<br>(бешта хона) |
| Дам олиш хоналари | 84 | 90 | 150 | 120 |
| Индивидуал машғулотлар учун хоналар (16-20 м2 дан) | 50-60<br>3 | 60<br>3 | 100<br>5 | - |
| Ухлаш хоналари (4–4,5 м²/киши) | 336-378 | 378 | 756 | 640 |
| Ҳожатхоналар, ювиниш хоналари, душхоналар, қизлар шахсий гигиена кабинаси - 3 м² | санитария жиҳозлари сонига мувофиқ | | | |
| | 72 | 80 | 160 | 120 |
| Маиший хоналар (кийим тозалаш, ювиш, дазмоллаш учун – камида 12 м²) | 35-42<br>(учта хона) | 42<br>(учта хона) | 84<br>(бешта хона) | 60-64<br>(бешта хона) |

▶ 5-бет

◀ 4-бет

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг
2022 йил 24 августдаги 148-сон буйруғига
ИЛОВА

# ШНҚ 2.08.07-22 "НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАР УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИНОЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ" ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

| Хоналар | Майдон, м² | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 11 йиллик | | | 9 йиллик |
| | 12 та синф, 144 ўринли (тайёрлов синфи билан – 12 та бола) | | 24 та синф, 288 ўринли (иккита тайёрлов синфлари билан – 24 та бола): | 18 та синф, 288 ўринли |
| | Кўришда ва нутқида нуқсони бўлган болалар учун | БЦФ ва таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун | | интеллектуал ривожла-нишида нуқсонлари бўлган болалар учун |
| Навбатчи тарбиячилар хонаси 12 м² дан (тамбур-даҳлиз и ва санитария узели билан) | Ҳар бир яшаш секцияси ҳисобидан | | | |
| | 36 / 12x3 | 36 / 12x3 | 60 / 12x5 | 60 / 12x5 |
| Болалар шахсий буюмлари ва кийимлари омборхонаси (ҳар бир секцияда) | 24 (учта хона) | 30 (учта хона) | 50 (бешта хона) | 40 (бешта хона) |
| Инвентарь учун хоналар (ҳар бир секцияда – 5 м²) | 15 (учта хона) | 15 (учта хона) | 30 (бешта хона) | 25 (бешта хона) |
| **4. Мактаб ўқув хоналари** | | | | |
| **Предметлар бўйича хоналар, табиий фанлар лабораториялари, ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари** | | | | |
| Табиий фанлар (кимё, физика, биология) лабораторияси | 50 (60) | 50 | 50 | 50 |
| Лаборантлар хонаси (кимё, физика, биология) | 30 | 30 | 30 | 24 |
| Математика хонаси | 40-50 | 40 | 80 /40x2 | 40 |
| Тарих, ижтимоий фанлар, ўлкашунослик, география хонаси | 40-50 | 40 | 40 | 40 |
| Она тили ва адабиёт (нутқни ривожлантириш) хонаси | 40-50 (60) | 40 | 40 | 80 / 40x2 |
| Чет тиллар кабинети (лингафон ускунаси билан) | 40-50 | 40 | 40 | – |
| Информатика хонаси | 50 | 50 | 50 | – |
| Расм чизиш, тасвирий санъат, ўймакорлик, ҳайкалтарошлик хонаси | 50 (60) | 50 | 50 | 50 |
| Мусиқа машғулотлари, қўшиқ айтиш хонаси | + | + | + | + |
| | томошабинлар залининг эстрадасида | | | |
| Кўришда нуқсони бўлган болалар учун ижтимоий-маиший йўналтириш ва материалшунослик хонаси | (60) | – | – | – |
| Рўзғоршунослик устахонаси (кулинария, кийим тикиш, каштачилик) | 40-50 | 40-50 | 40-50 | 50 |
| Логопедия кабинети (нутқни ривожлантириш, ритмик машғулотлар, бошқ.) | 40-50 | 40-50 | 40-50 | 40 |
| "Маърифат-маънавият" кабинети (кутубхонанинг ўқиш зали билан қўшилган) | + | + | + | + |
| **Ўқув-спорт блоки** | | | | |
| Спорт зали (универсал) | 288 | 288 | 288 | 288 |
| Залда снаряд хонаси | 16 | 16 | 16 | 16 |
| Кийиниш хоналари, душ хоналари ва санузеллар (ўғил ва қиз болалар учун) | 30-40 | 30-40 | 30-40 | 30-40 |
| Тренер хонаси (санузел билан) | 10 | 10 | 10 | 10 |
| Тиббий гимнастика машғулотлари хонаси, тренажер зали | Лойиҳалаштиришга топшириқ бўйича | | | |
| **Устахоналар хоналари блоки** | | | | |
| Металл ва ёғочга ишлов бериш бўйича комбинацияланган (ёки электр-монтаж, радио-техника) устахона | 60 | 60 | 72 | 60 |
| | (майдони ихтисослашувни ҳисобга олиб аниқланади) | | | |
| Устахоналардаги санузеллар | 6 | 6 | 6 | 6 |
| Уста хонаси асбоблар хонаси билан | 15 | 15 | 15 | 15 |
| Дастлабки материаллар ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналари | 15 | 15 | 15 | 15 |
| **Кутубхона-ахборот маркази** | | | | |
| Ўқув зали, абонемент | 40-50 (60) | 50-60 | 70 | 30-40 |
| Китоб омборхонаси | 35-40 (60) | 40-50 | 60 | 30 |
| Дарсликларни сақлаш ва таъмирлаш хонаси | 15 | 15 | 15 | 15 |
| **Мажлислар зали ва клуб-тўгарак хоналари** | | | | |
| Йиғилишлар зали | 150 | 150 | 220 | 220 |
| Эстрада | 27 | 27 | 36 | 36 |
| Эстрадада артистлар хонаси(президиум хонаси) | 15 | 15 | 15 | 15 |
| Техника маркази (радиоузель, видеопроекция аппаратурасини сақлаш) | 18 | 18 | 20 | 20 |
| Фойе – кўргазма зали | 40 | 40 | 50 | 50 |
| Клуб-тўгарак машғулотлари учун хоналар | 40 | 40 | 50 | 50 |
| **Ошхона блоки** | | | | |
| | 90 ўрин | 90 ўрин | 150 ўрин | 150 ўрин |
| Овқатланиш зали (овқат тарқатиш хонаси билан) | 120 | 140 | 240 | 200 |
| Вестибюль қўл ювгичлар билан | 12 | 12 | 12 | 12 |
| Вестибюлдаги санитария узеллари | 6 | 6 | 6 | 6 |
| Иссиқ цех | 37-50 | 35-50 | 60 | 60 |
| Идиш ювиш хоналари | 15 | 15 | 18 | 18 |
| Совуқ цех | 12 | 12 | 12 | 12 |
| Гўшт балиқ цехи | 12 | 12 | 12 | 12 |
| Сабзавот цехи | 12 | 12 | 12 | 12 |
| Юклаш хонаси тара хонаси билан | 12 | 12 | 12 | 12 |
| Совутиладиган камера | 6-10 | 6-10 | 12 | 12 |
| Қуруқ маҳсулотлар омборхонаси | 8 | 8 | 8-10 | 8-10 |
| Сабзавотлар омборхонаси | 8 | 8 | 10 | 10 |
| Ходимлар гардероб хонаси душ хона билан | 12 | 12 | 12 | 12 |
| Ходимлар санузели | 4 | 4 | 4 | 4 |
| Ишлаб чиқариш мудири хонаси | 8 | 8 | 8 | 8 |
| **Тиббий-даволаш блоки** | | | | |
| Қабул хона, кўриш хонаси билан | 12 | 12 | 12 | 12 |
| Касалликлар ихтисослиги бўйича врач хонаси | 18 | 18 | 18 | 14 |
| Муолажа хонаси | 15 | 15 | 15 | 15 |
| Стоматолог хонаси | 14 | 14 | 14 | 14 |
| Физиотерапия хонаси, мутахассис врачлар хонаси | Лойиҳалаштириш топшириғи бўйича | | | |
| Гипс ва протез хонаси | – | 18 | 18 | – |
| Массаж хонаси | – | 14 | 14 | – |
| Гидротерапия хонаси | – | 25 | 25 | – |
| Тиббий блокнинг санитария узеллари | 6 | 6 | 6 | 6 |
| Изолятор: вестибюль, ҳамшира пости ва буфет зонаси билан | 14 | 14 | 14 | 14 |
| Палаталар | 18 | 18 | 27 | 18 |
| Палаталардаги санитария узеллари | 9 | 9 | 12 | 9 |
| Ванна хонаси | 14 | 14 | 14 | 14 |
| **Вестибюль, рекреациялар ва умумий мактаб учун мўлжалланган санитария узеллари** | | | | |
| Асосий кириш вестибюли | 40 (50) | 40 | 65-72 | 65-72 |
| Бино вестибюли ва қаватлардаги санитария узеллари | 30 | 30 | 50 | 50 |
| Рекреация жойлари | 100 | 100 | 130 | 130 |
| **Маъмурий-хўжалик хоналар** | | | | |
| Ўқитувчилар - услубий хонаси | 40 | 40 | 50 | 40 |
| Директор хонаси | 15 | 15 | 20 | 15 |
| Қабулхона-девонхона | 15 | 15 | 15 | 15 |
| Директор ўринбосари хонаси | 12 | 12 | 12 | 12 |
| Ўқув бўлими мудири хонаси | 12 | 12 | 12 | 12 |
| Катта тарбиячи хонаси | 12 | 12 | 12 | 12 |
| Психолог (логопед) хонаси | 12 | 12 | 12 | 12 |
| Техник ходимлар хонаси | 8 | 8 | 8 | 8 |
| Омборхоналар, жиҳозлар учун хоналар | 24 | 24 | 30 | 24 |
| Ота-оналар билан учрашиш хонаси | 15-20 | 15-20 | 15-20 | 15-20 |
| Хўжалик ишлари бўйича ҳамшира хонаси (тоза кир сақлаш хонаси билан) | 20 | 20 | 20 | 20 |
| Протезлаш хонаси | – | Лойиҳалаштириш топшириғи бўйича | | – |
| Протезларни таъмирлаш ва кийиб-ўлчаш хонаси | – | 20 | 25 | – |
| Пойабзал таъмирлаш устахонаси | 10 | 10 | 10 | 10 |
| Инвентарь ва болаларни мавсумий кийимларини сақлаш омборхоналари | 20-30 | 20-30 | 30 | 30 |
| Мебель ва инвентарни таъмирлаш устахонаси | 15-20 | 15-20 | 20 | 20 |
| Кир ювиш хонаси чойшабларни саралаш ва сақлаш хоналари билан | 25 | 25 | 25-30 | 25-30 |
| Дазмолхона, тоза чойшабларни тузатиш ва сақлаш хонаси | 16-20 | 16-20 | 20-25 | 20-25 |
| Асосий киришда навбатчи хонаси (ёнғин пости) | 10 | 10 | 10 | 10 |

**) кўришда нуқсони бўлган болалар ва ҳаракатланиш функциялари бузилган, БЦФли болалар учун.*

***Изоҳлар:***

*1. 2-графада қавс ичида кўришда нуқсони бўлган болалар учун хоналар майдони кўрсатилган.*

*2. Хоналар таркиби ва майдонлари лойиҳалаштириш топшириғида аниқлаштирилади.*

*3. Коммуникация, эвакуация хоналари, ёрдамчи ва техника хоналари лойиҳа билан ўрнатилади.*



O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№88-89 (741-742) 2023 йил 17 октябрь

# ҲАМ АРЗОН, ҲАМ ҚУЛАЙ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛИ

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бугунги кунда жаҳонда энергияга нисбатан эҳтиёж ошиб, унинг қадри, баҳоси йилдан йилга кўтарилиб боряпти. Шу боис, барча давлатларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам табиий бойликларни тежаш, ресурслардан самарали фойдаланишга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.**




Хусусан, барпо этилаётган янги бино ва иншоотлардан энергия тежамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қурилиш саноатида инновация ғоялари асосида янги ашёларнинг ишлаб чиқарилиши оммалашяпти.

Бугун дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларининг қурилиш объектларида газоблок маҳсулотларидан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, Европа мамлакатларида салкам бир аср, Туркия ва Россияда эса салкам 50 йилдан буён уйларнинг деворлари газоблок билан кўтарилади. Ички бозорда хориждан мазкур маҳсулотга нисбатан эҳтиёжи катталиги Ўзбекистонда инвесторлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити туфайли бугун мамлакатимизда газоблок маҳсулотининг ишлаб чиқарилиши тўлиқ маҳаллийлаштирилди.

Бундан уч йил аввал Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида йирик лойиҳа бошланган эди. Туркия ва Германия корхоналари иштирокида “ARTON” компаниясининг инновацион маҳсулоти газоблок ишлаб чиқарувчи заводи ишга туширилди.



– Самарадор қурилиш материаллари ишлаб чиқариш талаби қўйилган. Шу талаб асосида “ARTON” компанияси Ўзбекистондаги хом ашёни ўрганиб чиқиб, бу хомашёни Германиянинг нуфузли компанияларидан бирига тақдим этган, – деди мутахассис Рустам Абдураҳмонов, – Ҳар бир давлатнинг хом ашёсини ўзининг алоҳида таркиби, алоҳида хусусияти бор. Шу жумладан, Ўзбекистон хом ашёсининг ҳам ўзига яраша таркиби бор. Бугунги кунда “ARTON” компаниясининг бир кунлик ишлаб чиқариш қуввати 1 ярим минг куб, бир йиллик ҳажми эса 500 минг кубни ташкил этади. Компания нафақат Ўзбекистон бозори, балки яқин қўшни давлатларга Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, келажакда Россия билан шартнома тузиш арафасида турибмиз.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил Тошкент вилояти тадбиркорлари билан ўтказган учрашувида мазкур корхонанинг лойиҳаси тақдим қилинган эди. Ана шу мулоқотдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори қабул қилинди. Соҳага қаратилган алоҳида эътибор натижасида бизнес-режа амалиётга муваффақиятли татбиқ қилинди. Белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси тўлиқ бажарилди. Бугун Оҳангарон шаҳридаги саноат ҳудудида Германиянинг замонавий технологияси асосида барпо этилган корхона тўлиқ қувват билан ишламоқда. Арзон ва экологик тоза, ичкаридаги иссиқ ҳароратни узоқ вақт сақлаб турувчи ва ташқаридаги ҳароратни ичкарига таъсирини камайтирувчи газоблок маҳсулоти ички бозор эҳтиёжини тўлиқ қондиряпти.

– Ишлаб чиқариш қувватларини орттириш мақсадида қўшимча бўлинмалар яратяпмиз, – деди корхона директори Икромжон Аҳмедов, – Автоклав ишлаб чиқариш бўлинмалари сонларини кўпайтириш натижасида ишлаб чиқариш қувватлари уч баробарга ортмоқда. Ярим автоматик қадоқлаш бўлинмамиз тўлиқ автоматлаштирилган бўлинмага айлантирилади.

Жорий йилнинг 5 сентябрь куни Хоразм вилоятида компаниянинг навбатдаги лойиҳаси бўйича янги корхонани қуриш ишлари бошланиши муносабати билан катта тадбир бўлиб ўтди. Урганч шаҳрида “ARTON” компанияси томонидан умумий қиймати 12 миллион АҚШ доллари бўлган йилига 200 метр автоклав усулда газоблок ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхонанинг тақдимоти бўлиб ўтди. Худди шундай юқори қувватли заводни Андижон вилоятида ҳам барпо этиш бўйича амалий ҳаракатлар бошланган.

– Яқин йиллар ичида корхона ишга тушгач, корхонамизнинг газобетон ишлаб чиқариш қуввати 2 минг 200 метр кубга етади. Бу кўрсаткич ишлаб чиқаришни 5 баробарга ортишини кўрсатади. Бундан келиб чиқиб, биз экспортни йилига 500 минг метр кубга етказамиз, – деди корхона раҳбари.

Қилинган саъй-ҳаракатлар натижасида маҳсулот деярли тўлиқ маҳаллийлаштирилган бўлиб, корхонадаги лабораторияда технологик жараёнларда белгиланган меъёрларга тўлиқ риоя этилиши мунтазам кузатиб борилади.

– Синов лабораторияси Европа стандартларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий лаборатор ускуналари билан жиҳозланган, – деди Мавжуда Қурбонқулова. – Лабораториянинг малакали ходимлари томонидан олиб келинган барча хомашёлар, асосан цемент, кварц қуми, оҳак, гипс, алюминийларнинг сифати технологик жиҳатдан тайёр маҳсулотнинг ҳар бир партияси текширилади. Портландцемент бошланиш ва охирги қотиш жараёнлари, қуюқлик жараёнлари, элак остидаги қолдиқ, кварцли қумнинг модуль катталиги, намлиги, элак остидаги қолдиқлари, лаборатор таҳлилдан ўтказилади. Оҳак маҳсулотини кальций ва магний активлиги, сувнинг ҳарорати стандарт талабаларига асосан текширилади, алюминий маҳсулотини таркибидаги алюминий миқдорини текширадиган ускуналар Германиядан келтирилган бўлиб, Ўрта Осиёда ягона технология ҳисобланади. Тайёр маҳсулотнинг ҳар бир партияси якуний назоратда физик механик кўрсаткич талабалари меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги ўтказилади. Газобетон маҳсулотининг босим кучи ҳамда зичлиги бу асосий кўрсаткич ҳисобланиши сабабли уларнинг кўрсаткичлари ҳам текширилади.

Мутахассисларнинг қайд этишларича, газоблок қурилиш ашёсидан фойдаланиб кўтарилаётган бино ва иншоотларда хоналар ичидаги энергия сарфи 30-35 фоизгача қисқаради. Иссиқ ва салқин ҳаво ичкарида узоқ муддат сақланади. Агар республика миқёсида олиб борилаётган қурилишларнинг 50 фоизида мазкур маҳсулотдан фойдаланилса, жами энергия ресурсларининг сарфини 30 фоиз миқдорида тежашга эришса бўлади.

– Бизнинг ташкилот уй-жой қурилиши билан шуғулланиб келади, – деди қурувчи Шерзод Жўраев. – Корхонамиз фаолияти 20 йилдан кўпроқ бўлиб, қурилиш ишларида доимо янги замонавий қурилиш материалларини қўллаш билан бирга маҳсулотларимизни аввало сифатли ва экологик жиҳатдан тоза бўлишига эътибор қаратамиз. Ана шундай қурилиш материалларидан бири автоклав газоблок ҳисобланади. Авваллари ғишт асосида уй қурилганда ён тарафларига бетон қопламаси билан текислаш ишлари олиб борилишига тўғри келарди, ҳозирда эса мазкур автоклавли газоблоклар ёрдамида уйларнинг деворларини тез фурсатларда сифатли қилиб кўтариш имконияти яратилган. Мазкур маҳсулотларнинг энергия самарадорлиги шундаки, совуқ кунларда уйни иситиш учун кўп энергия сарфламайди. Бугунги кунда янги технологиялар, янги инновацион ғоялар асосида ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари аввалгиларига қараганда анча мустаҳкам ва ишлатиш муддати анча узоқ.

“Ангрен” эркин иқтисодий зонасининг Оҳангарон ҳудудида жойлашган корхонага Германиядан яна қўшимча 6 та автоклав ускунаси ўрнатилди. Бугун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 30 фоизи Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

– Ўзбекистонлик тадбиркорларнинг буюртмасига кўра, ушбу мамлакатнинг мавжуд захира хомашёларининг таркиби асосида компаниямизда тайёрланган автоматик қадоқлаш линиясини ўрнатяпмиз, – деди компания вакили Юве Крох. – Шу жараёнда бошқарув операторларига ўқув-амалиёт ишларини ҳам олиб боряпмиз. Малакали кадрларга ушбу янги линиядаги ишлаб чиқаришни амалиётда кўрсатиб беряпмиз. Ишлаб чиқариш қуввати автоклавларнинг сони яна 6 тага ортгани учун кўтарилмоқда.

Корхонада малака ошираётган 6 нафар ишчи Тошкент давлат техника университетида таълим олаётган бўлиб, уларнинг контракт тўловларини тўлаб беришга корхона томонидан кўмаклашилмоқда.

Қурилиш маҳсулотининг зилзилабардошлиги Турин политехника университети қошидаги лабораторияда мутахассислар ва “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси вакиллари иштирокида синовдан ўтказилади. Жорий йилнинг 5 сентябрида ташкил қилинган навбатдаги синовда газоблок маҳсулотидан қад кўтарган деворнинг 9 ва ундан зиёд баллга чидамлилиги аниқланди.

– Сифатли автоклав газоблоки биринчи ўринда енгил бўлади. Енгиллиги бу баланд биноларнинг конструкциясини енгиллаштириш ва зилзилабардошлигини ошириш имконини беради, – деди Рустам Абдураҳмонов.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қурилиш жараёнида қисқа муддатларда ишни битказиш билан бирга харажатларни ҳам қисқаришига имконият бермоқда. Иншоот қад кўтарганидан кейин деворни сувоқ қилиш, иш ҳақи харажатлари 10 фоизга тежалади. Замонавий газоблок маҳсулоти қурилиш вақтида кесиш ва мослаштирилиши осон бўлгани учун қурувчиларни махсус тайёргарлик кўриши ёки ўқитилиши тақозо қилинмайди. Блокларнинг ҳажмига қараб аниқ кесиш имконияти мавжудлиги қурувчиларга иш самарадорлигини ошириб бермоқда. Бундан ташқари, хона ичидаги газ ва буғ намликларини қисқа вақтда чиқариб юбориш хусусиятига эга бўлгани учун одатдаги деворларнинг моғорлаши юзага келмайди.

Кўриниб турибдики, қурилиш саноатига инновацияни киритиш орқали энергиятежамкор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиляпти. Албатта, бундай саъй-ҳаракатлар хомашёни қайта ишлашга, қурилиш таннархини арзонлаштиришга, табиий ресурсларни иқтисод қилишга хизмат қилади.

## Қумкўчага сув келди



**Зиё СИРОЖ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Айни пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида, жумладан, Андижон вилоятида ҳам аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари давом этмоқда.**

Жумладан, Избоскан туманидаги “Қумкўча” МФЙда 10 минг 600 метр масофага янги сув қувурини тортиш ишлари якунланди. Шунингдек, “Файз бинокор” МЧЖ томонидан ушбу манзилда янги сув қудуғини ишга тушириш ишлари олиб боriляпти.

– Ўн йилдан бери маҳалламизда сув муаммоси мавжуд эди, – деди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Дилоромхон Холбўтаева. – Бу давр мобайнида ариқдан сув ташиб ичдик, айрим хонадонлар қўлбола сув чиқариш мосламасидан фойдаланди. Бироқ, бу тоза ичимлик суви ўрнини босмайди-да... Шу боис, кўп қийинчиликларни кўрдик. Шукрким, бугун маҳалламизда қувур тортиш ишлари олиб борилиб, муаммоларимиз ортда қолди. Шароитимиз кундан-кунга яхшиланиб бораётганидан хурсандмиз.

Ҳозирда маҳалланинг учта кўчасида ичимлик суви билан боғлиқ бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Лойиҳа фойдаланишга топширилгач, 3,5 минг нафар аҳолининг сўнгги 10 йилда юзага келган энг катта муаммоси ижобий ечим топади.

## Бухорода 164 мингга яқин энерготежамкор газ ёндиргичи ўрнатилди

**Саъдулло ХАЛИЛОВ,** “Ҳудудгаз Бухоро” газ таъминоти филиали бўлим бошлиғи.

**Энергия манбалари чексиз эмас. Шубҳасиз, уларни ишлатишда ҳам чегара бор. Аммо баъзан улардан тўғри фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаймиз. Бу эса ўз-ўзидан исрофгарчиликка сабаб бўлади. Шу боис, электр энергияси ёки газ бўладими, барчамиз улардан тўғри фойдаланишимиз керак.**



Қандай қилиб дейсизми?

Бу борада жойларда газ таъминоти ходимлари томонидан тарғибот ва ташвиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, “Ҳудудгаз Бухоро” газ таъминоти филиали ходимлари томонидан олиб борилган тушунтиришлар натижасида вилоятдаги 164 мингга яқин ностандарт газ жиҳози энерготежамкорига алмаштирилди. Бу билан эса ҳар бир истеъмолчи мавсум давомида 40-45 фоизгача табиий газни тежаш имкониятига эга бўлади. Демак, рақамлар мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, энерготежамкор газ ёндиргичлари ойлик газ сарфини 40-45 фоизга тежаса, куз-қиш мавсуми 6 ой бўлса, шу давр мобайнида 2100 куб метр, 800 минг сўмга яқин иқтисод қилиниши таъкидланмоқда. Горелка газ босими ўзгарганида, таъминотда узилишлар бўлганида, авария ҳолатларида автомат тарзда ишлайди. Бугунга қадар ана шундай тарғиботлар туфайли вилоят бўйича 164 мингга яқин газ ёндиргичи ўрнатилди. Бу эса кунига бир куб газ, умумий ҳисобда 2 миллион сўмдан ортиқ маблағнинг тежалишига олиб келади.

Хўш, истеъмолчи кундалик турмушда табиий газдан тўғри фойдаланишда нималарга риоя қилиши зарур:

– газ плитасида овқат пишираётганда қозон ва бошқа идишлар қопқоғини ёпиш лозим. Бу сарфланаётган газ ҳажмининг 15 фоизини тежайди ва сув буғланишини камайтиради;

– остки қисми кенг идишлардан фойдаланганда уни ёндиргичнинг ўртасига жойлаштириш керак. Идишдаги овқат ёки суюқлик қайнаб чиққач, оловни икки баробар пасайтириш лозим;

– газ плитани ҳар йили профилактик кўрикдан ўтказиш зарур. Газ плитаси ёндиргичлари қанчалик тоза бўлса, олов шунчалик зангори, газ сарфи эса самарали бўлади;

– ишлатиш эҳтиёжи бўлмаса, газ қурилмаларини ўчириб қўйиш керак. Ёндиргичдан хонани иситишда фойдаланиш ярамайди: бу самарасиз ва шу билан бирга хавфлидир;

– чойнакни тўлдириб сув қўйиш шарт эмас;

– овқат тайёрлашда тоза идишдан фойдаланиш даркор;

– овқат пишириш вақтида газ плитаси юзасини зар қоғоз билан ёпиш зарур. У алангани қайтаради ва фойдали иш коэффициентини оширади.

Бу усуллар газ сарфини 15-20 фоизга камайтиришга имкон беради. Тўғри, “Пулини тўлаяпманку, хоҳлаганимча ишлатаман” қабилида иш тутаётганлар ҳам йўқ эмас. Аммо бугун ҳар биримиздан ана шу митти учқундан оқилона фойдаланиш талаб этилмоқда. Зеро, бу билан “истеъмолчи маданиятини ривожлантириш”га ҳисса қўшиш билан бирга тежамкорликка ҳам риоя қилган бўламиз.

**ҚАШҚАДАРЁДАН ДАРАКЛАР**

## Йирик тўқимачилик корхонаси иш бошлади

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Касби туманидаги “Тинчлик” МФЙда “Нахшаб тех гроуп” МЧЖ томонидан барпо этилган янги йирик трикотаж фабрикаси иш бошлади. Шу муносабат билан бўлиб ўтган очилиш маросимида вилоят ҳокими Муротжон Азимов иштирок этди ва мазкур фабрика фаолияти билан яқиндан танишди.**

Мазкур корхона ишга тушиши билан 250 нафар маҳаллий хотин-қизлар муқим иш ўрнига эга бўлди ва кейинчалик фабрика тўла қувват билан ишлашни бошлаганда, тумандаги яна 400 нафар киши доимий иш билан таъминланиши имкони мавжуд бўлади. Лойиҳа доирасида янги бино қурилиб, ишлаб чиқариш жараёнига туркиялик ва маҳаллий мутахассислар жалб этилган ҳолда, хотин-қизларга тикувчилик кўникмалари ўргатилмоқда.

Ушбу корхона тумандаги биринчи йирик тўқимачилик корхонаси ҳисобланади.

Маълумот ўрнида, мазкур тикувчилик фабрикасининг умумий қиймати 22,3 миллиард сўм бўлиб, “Тинчлик” МФЙ ҳудудидаги 1 гектар ер майдонида “Султон” бренди остида ташкил этилди. Келгусида ушбу лойиҳа орқали қўшимча 10 млн АҚШ долларилик тайёр маҳсулот экспорт қилиниши кутилмоқда.

## Китоб туманида янги кўприк

**Аҳолининг узоғини яқин қилувчи мазкур кўприк М-39 “Тошкент-Термиз” автомобиль йўлининг Қашқадарё дарёсидан ўтган қисмида жойлашган бўлиб, лойиҳанинг умумий қиймати 12 миллиард 235 миллион сўмга тенг. Унинг узунлиги 72,5 метр, эни эса 28 метрни ташкил этади.**



Тантанали очилиш маросимида туман ҳокими Ўктам Пардаев бошчилигидаги сектор раҳбарлари, масъуллар, маҳалла нуронийлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Анъанага мувофиқ, дастлаб тадбир аввалида лойиҳа бош пудратчиси ҳисобланган “Қашқадарё кўприклардан фойдаланиш” унитар корхонаси раҳбари К. Маҳкамовга муносиб эҳтиром кўрсатилди.

Очилиш маросими якунида кексалар қўлларини дуога очиб, қурувчи меъморлар ҳаққига эзгу тилаклар билдиришди.

# Жиззахда қурилаётган объектлар сифати доимий назоратда

**Акбар АБДУРАЗАКОВ,**
Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.



**Сўнгги йилларда бошқа ҳудудлар каби Жиззах вилоятида ҳам иқтисодиётнинг барча соҳалари қатори қурилиш-бунёдкорлик ишлари анча ривожланди. Аҳоли учун қулай яшаш шароити яратиш мақсадида шинам уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, санъат ва спорт иншоотлари, кўнгилочар масканлар барпо этилмоқда. Ўз навбатида, қурилаётган ҳар бир объектнинг қонунийлиги ва қурилиш нормаларига мувофиқлиги ҳудудий назорат қилиш инспекциямиз томонидан доимий эътиборда.**

Хусусан, мақсадли дастурлар бўйича 2023 йилда Жиззах вилоятида 3 115 хонадонли 84 та уй-жой қурилиши кўзда тутилган бўлиб, шундан “Янги Ўзбекистон” массивларида 1 480 хонадонли 26 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши белгиланган. Шароф Рашидов туманидаги “Оқтош ота” МФЙда 1 120 хонадонли 14 та, “Қаҳрамон” МФЙда 160 хонадонли 2 та, Дўстлик туманидаги “Чинобод” МФЙда эса 200 хонадон 10 та иншоот барпо этилади. Бугунги кунда мазкур уй-жойларда қурилиш-монтаж ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар 100 хонадонли 2 та уй фойдаланишга топширилди. Қолган 24 та уйнинг қурилиш ишлари давом эттирилиб, айни пайтда 62 фоиз иш амалга оширилган. Жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ушбу хонадонлар ҳам тўлиқ фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, массивларда 2024 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури бўйича дастлабки манзилли рўйхатга асосан Шароф Рашидов тумани “Оқтош ота” МФЙдаги “Янги Ўзбекистон” массивида янги 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 200 қатновли поликлиника ва 680 ўқувчи ўринли янги мактаб қуриш белгиланган. Муҳандислик-коммуникациялари бўйича 4,0 километр ичимлик суви тармоғи, 8,0 километр оқова сув тармоғи ва 1 та оқова сув иншооти қурилиб, 3,7 километр йўл шағаллаштирилган. 8,2 километр электр, 6,4 километр табиий газ ва 6,1 километр иссиқлик тармоғи ҳамда иситиш қозонхонаси қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Ободонлаштириш ишлари учун маҳаллий бюджет ҳисобидан маблағ ажратилиб, қурилиш ишлари босқичма-босқич бажариляпти.



“Янги Ўзбекистон” массивларидан ташқари, вилоятимиз ҳудудида тадбиркорлик субъектлари томонидан ипотека кредити асосида 1 635 хонадонли 58 та уй-жой қурилиши амалга оширилмоқда. Хусусан, Арнасой туманида 40 хонадонли 2 та, Бахмал туманида 60 хонадонли 3 та, Ғаллаорол туманида 80 хонадонли 4 та, Шароф Рашидов туманида 200 хонадонли 10 та, Дўстлик туманида 40 хонадонли 2 та, Зомин туманида 180 хонадонли 9 та, Зарбдор туманида 80 хонадонли 4 та, Зафаробод туманида 40 хонадонли 2 та, Пахтакор туманида 80 хонадонли 4 та, Фориш туманида 20 хонадонли 1 та, Янгиобод туманида 20 хонадонли 1 та, Жиззах шаҳрида 795 хонадонли 16 та уй-жой бунёд этилмоқда. Бугунги кунда мазкур уй-жойларнинг 18 таси фойдаланишга топширилди. Қолган 40 та уйда айни пайтда ташқи ва ички пардозлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида қурилиш ишлари тўлиқ якунланади.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-465-сонли қарорига асосан, Жиззах вилояти ҳудудида жами 53 та объект қурилиши белгиланган. Ушбу объектлардан 51 таси рўйхатдан ўтган, қолган 2 таси ўтмаган. Ҳозирда ушбу объектлар ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан назоратга олинган ва қурилиш иштирокчиларига белгиланган тартибда кўрсатмалар бериб келинмоқда. Бугунга қадар 51 та объектдан 21 таси фойдаланишга қабул қилинган бўлиб, қолган 27 тасида қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда. Уларнинг 5 таси йилдан-йилга ўтувчи объект ҳисобланади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022 – 2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-408-сонли қарорига асосан ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, ушбу қарор бўйича Жиззах вилояти ҳудудида 184 объект қурилиши мўлжалланган бўлиб, улардан 113 таси бевосита ҳудудий назорат инспекцияси назоратида қурилиши кўзда тутилган. 77 та ичимлик суви таъминоти, 3 та оқова сув таъминоти, 2 та умумтаълим мактаби, 1 та мактабгача таълим ташкилоти, 15 та МФЙ идораси ва яна бошқа турдаги 15 та объект шулар жумласидандир. Ушбу объектлар инспекция томонидан назоратга олинган ва белгиланган тартибда кўрсатмалар берилмоқда. Ҳозирга қадар уларнинг 109 таси фойдаланишга қабул қилинган, қолган 4 та объектда қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда.

Вилоятда Инвестиция дастуридаги 20 та объект йилдан йилга ўтувчи бўлиб, улардан 5 таси фойдаланишга қабул қилинган. 15 та объектда қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда. Жорий йилда объектлардан 10 тасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган бўлиб, қолгани йилдан йилга ўтувчи ҳисобланади.

Туман (шаҳар) ҳудудларида ўтказилган мониторинг натижалари бўйича 2023 йилнинг 9 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган маъмурий регламент талабларини бузган ҳолда 207 та объект рўйхатдан ўтмасдан қурилиш ва қайта қуриш ишларини олиб бораётганлиги аниқланган. Шундан 98 та объект ҳудудий инспекциядан рўйхатга олинган. 8 та қурилиш объектининг ҳажми 300,0 куб метрдан кичик бўлганлиги ва 10 та қурилиш объекти якка тартибда уй-жой ҳудудида қурилаётганлиги сабабли инспекция назоратидан чиқарилган. 91 та объектда ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш ишлари олиб борилаётган бўлса, 61 та объектга ҳудудий инспекция томонидан техник хулосалар берилган.

Бугунги кунга қадар 94 та объект буюртмачиларига нисбатан “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 99-моддаси 7-банди билан баённомалар расмийлаштирилиб, жаримага тортилган. Шунингдек, ваколатли органларни хабардор этиб 33 та қисқа муддатли текширув ишлари ўтказилган. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқилишида аниқланган қонун бузилиш ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун прокуратура органига 4 та хат чиқарилган.

Қолаверса, Рўйхатдан ўтмаган қурилиш объектларини мувофиқлаштириш бўлими томонидан ўтган 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган маъмурий регламент талабларини бузган ҳолда 307 та объект рўйхатдан ўтмасдан қурилиш ва қайта қуриш ишларини олиб бораётганлиги аниқланган. Шундан бугунги кунга қадар 276 та объект рўйхатга олинган. 14 тасининг ҳажми 300,0 куб метрдан кичик бўлганлиги ва 6 та қурилиш объекти якка тартибда уй-жой ҳудудида қурилаётганлиги сабабли назоратидан чиқарилган. 2022 йилда рўйхатдан ўтмасдан қурилаётганлиги аниқланиб, 2023 йилнинг 9 ой якуни бўйича ҳам рўйхатдан ўтмасдан келаётган 11 та қурилиш объектида қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш бўйича судга материаллар тақдим қилинган.

Таъкидлаш лозимки, юқоридаги каби назорат ва ўрганиш ишларини олиб боришда Қурилиш синов лабораториясининг ҳам аҳамияти катта бўляпти. Лаборатория билан 424 та шартнома имзоланган бўлиб, III чораккача 1955 та синов баённомаси берилган. Назорат ишларини амалга оширишда лабораторияга 12 турдаги синов воситаси харид қилингани ҳам қўл келмоқда. Шунингдек, синов лабораториясининг аккредитация ҳужжатларини тайёрлашга кўмаклашиш мақсадида “MANAGEMENT GROUP SERVICE” МЧЖ билан консалтинг шартномаси имзоланган. Аккредитациядан ўтказиш учун дастлабки ҳужжатлар йиғилиб, экспертизага тайёрланмоқда. Синов ускуналари ва воситаларини калибровкадан ўтказиш учун Ўзбекистон Миллий метрология институти билан ҳамкорлик ўрнатилган. Бино ва иншоотлар техник ҳолатини ўрганиш бўйича эса шу йилнинг III чорагига қадар 214 та шартнома имзоланиб, 178 та хулоса тақдим этилган.

Шу ўринда, ҳудудий назорат инспекциясига келиб тушаётган мурожаатларга тўхталсак. 2023 йил 9 ой мобайнида жами 212 мурожаат келиб тушган. Ариза ва мурожаатлар келиб тушгандан сўнг 15 кун ичида кўриб чиқилиши ва ваколат доирасида муаллифга жавоб хатлари берилиши таъминланяпти. Қўшимча маълумот ёки ҳужжат талаб қилинадиган мурожаатлар муаллифларига қўшимча муддат олинганлиги тўғрисида огоҳлантириш хатлари жўнатилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан олиб борилаётган барча ишлар замирида бунёдкорлик орқали нафақат вилоят кўркига кўрк қўшиш, балки аҳоли учун сифатли иморатлар бароп этиш мақсади ҳам мужассамдир.



# Сирдарёда “Guliston City” мажмуаси барпо этилади

**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириқларига асосан, ҳудудларнинг, шу жумладан, Гулистон шаҳрида янги барпо этилиши режалаштирилган “Guliston City” мажмуасининг мастер-режасини ишлаб чиқиш белгиланган эди. Мазкур мажмуани қуриш учун Гулистон шаҳрининг “Тараққиёт” МФЙда жойлашган ва фаолияти тўхтатилган эски “Деҳқон бозори” ҳудуди (43,9 га) ажратилган. Ушбу ҳудуд шаҳарнинг Сайҳун, Бунёдкор, Хондамир ва Халқлар дўстлиги кўчалари кесишган ерда жойлашгани учун мажмуа учун энг қулай жой сифатида танланган.**

Ҳозирги кунда қурилиш режалаштирилган ҳудудда эски пастқам бинолар, савдо дўконлари ва овқатланиш шохобчалари бўлиб, улар шаҳар кўркини бузиб турибди. Ишлаб чиқилган мастер-режага асосан ажратилган ҳудудда бир қанча бино ва иншоатлар барпо этилади. Хусусан, кўп қаватли турар жой бинолари, мактаб, болалар боғчаси, кўп қаватли автотураргоҳлар, савдо маркази, овқатланиш шохобчалари, меҳмонхона, ёшлар маркази, бизнес марказ, конгресс ҳолл, пиёдалар йўлаклари ва кўчалар шулар жумласидандир.

Лойиҳа қиймати дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 800 млн АҚШ долларини ташкил этади. Қурилиш ишлари қуйидаги 4 босқичда амалга оширилиши режалаштирилган. Биринчи босқичда канализация ва ичимлик суви, газ ҳамда электр энергия тармоқлари, иккинчи босқичда йўл ва жамоат лойиҳалари, учинчи босқичда жамоат бинолари барпо этилса, тўртинчи босқичда умумий лотлар бўйича қурилишлар амалга оширилади.

Мажмуа қурилиши якунланса, энг аввало, шаҳар кўркига кўрк қўшилади. Шунингдек, эски пастқам бинолар ўрнида янги ва замонавий бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилади. Гулистон шаҳри аҳолиси учун қўшимча қулайликлар яратилиб, бўш иш ўринлари ташкил қилинади. Шу билан бирга, ёшлар учун барча шароитларга эга алоҳида марказ ва замонавий типдаги мактаб ҳамда боғчалар ҳам бунёд этилиши кўзда тутилган.

# Таълим муассасалари таъмирланмоқда

**Муҳиддин МАҒЗУМОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Нажот – илмда, нажот – таълимда. Ушбу тамойил ҳар қандай тараққийпарвар жамиятда бош шиор бўлиб қолаверади. Чунки тарбия ҳаёт-мамот масаласи! Шу боис, бугунги кунда соҳага жиддий эътибор қаратилиб, мамлакатимиз миқёсида бир қанча имкониятлар, имтиёзлар, маблағлар мактабгача ва мактаб таълимига йўналтирилмоқда.**





Биргина Наманган вилоятида сўнгги етти йилда 24 та янги мактаб қуриш, 106 та мактабни мукаммал таъмирлаш ва 128 тасида капитал реконструкция ишларини бажаришга 1 триллион 13 миллиард 900 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган.

Хусусан, Наманган шаҳридаги 38-умумий ўрта таълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

– 2023 йил мактабимиз инвестиция дастурига киритилди ва амалий ишлар бошлаб юборилди, – деди мазкур мактаб директори Аҳадхон Раҳимов. – Ўқув бинолари 1975 йилда қурилиб, фойдаланишга топширилганлигини ҳисобга олсак, мукаммал таъмирлашга ва қўшимча бино қурилишига катта эҳтиёж бор эди. Илгари ўқув ўринлари 670 тага мўлжалланган бўлиб, ўқувчиларнинг умумий сони 1168 нафарни ташкил қиларди. Мукаммал таъмирдан кейин мактабимиз тўла замонавий қиёфага кирди. Синф хоналари ҳам ёруғ, кенг ва озода. Шунингдек, 540 ўринли, уч қаватли янги бино қурилаётгани ҳам айни муддао.

Учинчи қаватда кутубхона, маънавият хонаси, фаоллар зали ва биринчи қаватда ошхона ҳам барпо этиляпти. Мукаммал таъмирлаш ишлари ўқув йили бошланишигача якунланиб, бошланғич синф ўқувчилари сентябрдан шинам хоналарда таҳсил олмоқда.

Умуман, олганда, жами қиймати 14 миллиард 800 миллион сўмлик лойиҳа ишлари 2024 йил апрель ойигача давом этиши керак. Лекин фидойи қурувчилар 2024 йилнинг январь ойида юқори синф ўқувчилари ҳам замон талабидаги янги синфхона, спортзалда машғулотларини давом эттириб, шинам ошхонада тушлик қилишлари мумкинлигини айтишмоқда. 1100 нафар ўринли лойиҳа якунлангач, бошланғич ва юқори синф ўқувчиларини битта сменада ўқитиш имконияти бўлади. Иккинчи сменада эса Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилаётган “икки тил, бир касб” тамойили асосидаги янада кучайтирилган машғулот ва ихтисослашган тўгараклар фаолияти йўлга қўйилади.

– Наманган шаҳридаги “Маърифат” МФЙ ҳудудида жойлашган 38-умумий ўрта таълим мактабида қурилиш ва таъмирлаш ишларини давом эттиряпмиз, – деди “Ровустон бетон қурилиш” МЧЖ ички назоратчиси Қосимжон Тўхтабоев. – Кунига 50-60 нафар қурувчи-мутахассис астойдил меҳнат қилмоқда. Барча жараёнлар қурилиш технологияси талабларига мувофиқ олиб бориляпти. Уч қаватли бинодаги бетон ишлари якунлангач, ғишт териш ва монтаж-бутлаш каби ишларга яна қўшимча ишчи-ходимлар жалб қилинади. Бинони муддатидан олдин топширишни мақсад қилганмиз. Шартнома шартларини тўла бажариш зиммамиздаги масъулиятли вазифадир.

Вилоятимизда амалга оширилаётган бу каби ишлардан кўзланган мақсад – аҳолига, қолаверса, ёшларга қулайликлар яратиб беришдир. Юқорида тилга олган мисолларимиз ҳам шулар жумласидандир.

# “СЛУЖБА ЗАКАЗЧИКА В СФЕРЕ СТРОИТЕЛЬСТВА” ФЕРГАНСКОГО ОБЛАСТНОГО ХОКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ!

**Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| № п/п | Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС) | Срок строительства (календарных дней) | Залоговое обеспечение в виде Банковской гарантии (сум) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | MOEI-RIDP-FER-29 | Капитальный ремонт систем электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Шахартепа” Куштепинского района Ферганской области | 1 316 277 444 | 60 | 26 325 549 |
| 2. | MOEI-RIDP-FER-30 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории в МСГ “Намуна” Куштепинского района Ферганской области | 1 822 366 544 | 90 | 36 447 331 |
| 3. | MOEI-RIDP-FER-31 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории в МСГ “Борот” Куштепинского района Ферганской области | 2 663 188 073 | 90 | 53 263 761 |
| 4. | MOEI-RIDP-FER-32 | Капитальный ремонт систем электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Борот” Куштепинского района Ферганской области | 1 599 585 620 | 60 | 31 991 712 |
| 5. | MOEI-RIDP-FER-33 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории в МСГ “Баландмасжид” Куштепинского района Ферганской области | 6 302 687 219 | 120 | 126 053 744 |
| 6. | MOEI-RIDP-FER-34 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Эшонгузар” Куштепинского района Ферганской области | 2 840 675 953 | 90 | 56 813 519 |
| 7. | MOEI-RIDP-FER-35 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Сойбуйи” Куштепинского района Ферганской области | 3 763 018 186 | 120 | 75 260 364 |
| 8. | MOEI-RIDP-FER-36 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории в МСГ “Карнайчи” Куштепинского района Ферганской области | 2 168 378 334 | 90 | 43 367 567 |
| 9. | MOEI-RIDP-FER-37 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Йулдошобод” Куштепинского района Ферганской области | 1 292 772 823 | 60 | 25 855 456 |
| 10. | MOEI-RIDP-FER-38 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Кайрагоч” Куштепинского района Ферганской области | 905 455 340 | 60 | 18 109 107 |
| 11. | MOEI-RIDP-FER-39 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Нурафшон” Куштепинского района Ферганской области | 1 169 261 970 | 60 | 23 385 239 |
| 12. | MOEI-RIDP-FER-40 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории в МСГ “Кувурбоши” Куштепинского района Ферганской области | 2 213 054 597 | 90 | 44 261 092 |
| 13. | MOEI-RIDP-FER-41 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Истиклол” Язъяванского района Ферганской области | 1 617 058 830 | 60 | 32 341 177 |
| 14. | MOEI-RIDP-FER-42 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории в МСГ “Корасой” Язъяванского района Ферганской области | 1 110 178 553 | 50 | 22 203 571 |
| 15. | MOEI-RIDP-FER-43 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Гастон” Язъяванского района Ферганской области | 481 168 598 | 45 | 9 623 372 |
| 16. | MOEI-RIDP-FER-44 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории в МСГ “Гастон” Язъяванского района Ферганской области | 508 115 621 | 35 | 10 162 312 |
| 17. | MOEI-RIDP-FER-45 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории в МСГ “Порлок” Язъяванского района Ферганской области | 1 701 720 959 | 60 | 34 034 419 |
| 18. | MOEI-RIDP-FER-46 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории в МСГ “Кармак” Фуркатского района Ферганской области | 4 145 351 147 | 120 | 82 907 023 |
| 19. | MOEI-RIDP-FER-47 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Шункор” Фуркатского района Ферганской области | 4 712 755 167 | 120 | 94 255 103 |
| 20. | MOEI-RIDP-FER-48 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Чеккуприк” Фуркатского района Ферганской области | 1 823 368 178 | 60 | 36 467 364 |
| 21. | MOEI-RIDP-FER-49 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории в МСГ “Болтакул” Фуркатского района Ферганской области | 2 972 602 930 | 75 | 59 452 059 |
| 22. | MOEI-RIDP-FER-50 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории в МСГ “Кизилкиёк” Сохского района Ферганской области | 2 839 220 609 | 60 | 56 784 412 |
| 23. | MOEI-RIDP-FER-51 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта махаллинского схода граждан (МСГ) “Девайрон” Сохского района Ферганской области | 1 594 519 014 | 60 | 31 890 380 |
| 24. | MOEI-RIDP-FER-52 | Строительство нового моста, проходящего над каналом селетракта “Сойлик” в МСГ “Гулистон” Сохского района Ферганской области | 668 673 982 | 90 | 13 373 480 |
| 25. | MOEI-RIDP-FER-53 | Строительство и ремонт тротуаров, асфальтирование внутренних дорог 5 категории в МСГ “Сохибкор” Сохского района Ферганской области | 2 991 373 752 | 90 | 59 827 475 |

**“Служба заказчика в сфере строительства” Ферганского областного хокимията** приглашает подрядчиков принять участие в Торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут производиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

По объектам электроснабжения необходимо наличие лицензии на строительство объектов повышенного риска. (Участник должен продемонстрировать действительную лицензию, дающую право на проведение высоковольтных работ).

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в **Государственном учреждении “Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства Ферганской области”** и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет **330 000 сум.**

**Получатель:** ГУ “Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Ферганской области”.

**Банковские реквизиты:** Ферганский филиал АКБ “InFinBank”, р/с: 2021 0000 2037 6761 8001 ИНН: 202529457 МФО: 01128

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением только в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее **18.00 часов** (по ташкентскому времени) **6 ноября 2023 г.,** где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Адрес для подачи предложений:**

Государственное учреждение “Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Ферганской области”.

**Адрес:** Ферганская область, г. Фергана, ул. С. Темура, дом, 111“б”.

**Тел.:** (99899) 615-68-91, 615-68-92.

**E-mail:** fartender@mail.ru

**Ответственный представитель консалтингового центра:** М. Содиков.

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## Октябрь ойининг шу ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Хўжалик бўлими лифтёри **Қобил Исмоилов,** ДХШ ва инвестиция дастурларини шакллантириш, реновация лойиҳаларини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Бегмурот Останов,** Йиғма ахборот-таҳлил бўлими бош мутахассиси **Элмуроджон Шамсиддинов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Азимхўжа Бобохўжаев**, Архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими етакчи мутахассиси **Умида Бахаева**,

“Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” Лойиҳа қидирув ва қурилиш пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш бўлими етакчи мутахассиси **Достонбек Ҳамдамов,** Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи **Аҳаджон Аҳмаджанов,** Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи **Дилмуҳаммад Абдугамитов,**

Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Қурилишда техник меъёрлаш бўлими бошлиғи **Азизбек Нурмирзаев,** Атамалар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси **Суръат Жаббаров,** Ижро интизоми ва йиғма ахборот-таҳлил бўлими мутахассиси **Сайёра Жабборова**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” бош ҳисобчиси **Улуғбек Камилов,** бош мутахассис **Нурали Ҳайдаров**,

“Qishloqqurilishloyiha” МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти Конструкторлар бюроси бошлиғи бош конструктор **Шерзод Одилов,** Нархларни шакллантириш бошқармаси бошлиғи **Ўктам Абдураҳмонов,**

“O‘zog‘irsanoatloyiha” АЖ гуруҳ раҳбари **Равшан Шоисхаков,** катта архитектор **Илюза Музафалова,** Лойиҳаларни чиқаришни автоматлаштириш бўлими ва электрон архивлаш бўлими бошлиғи **Алексей Хабаров,** ҳайдовчи **Рустам Ибрагимов,**

Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош режаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектори **Дастан Утеулиев,** Нукус шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – шаҳар бош архитектори **Аброр Аминов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Бердимурат Аралбаев**,

Андижон вилояти, Улуғнор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи - бош архитектори **Иқбол Неъмаджонов**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бош ҳисобчиси **Елена Кондратенко,** юрисконсульт **Умиджон Сафоев**, 2-тоифали иш юритувчи **Дилнора Караматова,**

Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Мансур Ялгашев,**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси фарроши **Зилола Нуралиева,**

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят бош архитектори **Сайфиддин Нарзиқулов,** “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК Самарқанд вилояти филиали етакчи мутахассиси **Баҳодир Абдукаримов,**

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси иш юритувчиси **Бобирбек Рустамов,** бош мутахассис **Азизжон Юнусов,**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Сирдарё вилояти филиали етакчи мутахассиси **Нодира Абдуллаева,**

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш бўлими бош мутахассиси **Абдулазиз Хўжабеков,** Зангиота тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – бош архитектор **Бахтиёр Холматов,**

Хоразм вилояти, Янгибозор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Худойберган Рўзимов,**

Андижон вилояти, Марҳамат туманидаги “Юксак орзу барака” МЧЖ бош директори **Шерзодбек Юлдашев,**

Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги “Олтин Пўлот” ХК бош директори **Баҳром Икромов,**

Жиззах вилояти, Дўстлик туманидаги “Обод Бунёдкор прогресс” МЧЖ бош директори **Ҳайитбой Суюнов,**

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги “Ибрат истаги” МЧЖ бош директори **Жамшид Ҳакимов,**

Тошкент шаҳри, Бектемир туманидаги “Бектемир Сифатли Хизмат” бош директори **Клара Сахарова,** Мирзо Улуғбек туманидаги “Hamkorlik Servis Farovon” МЧЖ бош директори **Эльвира Халикова,** Олмазор туманидаги “Oybek Olmazor Boshqaruv Kompaniyasi” МЧЖ БСК бош директори **Фаррух Абдувалиев,** Учтепа туманидаги “UCHTEPA-SHIRIN” МЧЖ бош директори **Абдужаббор Даминов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятов, Давронжон Адилов, Озода Жўраева, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-49 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-49 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1037.
1620 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.
**Навбатчи** – М. Ҳайдаров.

ЎзА якуни –
Топширилди – 23.00. 1 2 3 4 5 6

Газетамизнинг ушбу сони, 2023 йил 20 октябрь куни чиқадиган сони билан қўшилган ҳолда чоп этилмоқда. Газетанинг навбатдаги сони 24 октябрь куни чиқади.